БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГЛАР!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 187 (7634)

11 АВГУСТ ЖУМА 1950 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиийин.

БУГУНГИ СОНДА:

Совет халқининг фидокорона меҳнати — тинчлик ишига қўшган муносиб ҳиссасидир (1-нчи бет).

Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси шарафига (1-нчи бет).

Сон-саноқсиз табриклар (2-нчи бет).

В. Умаров. — Совет суди — чинакам халқ суди (2-нчи бет).

М. Шайхзода. — Севги (2-нчи бет).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ. — **М. Иброҳимова.** — Сессия қарорларини тўла бажарамиз (2-нчи бет).

Яхши ўсмаган ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, ҳамма ерда юқори ҳосил етиштирайлик! (3-нчи бет).

Хавфсизлик Советининг 8 августдаги мажлиси (3-нчи бет).

Қуриядаги воқиалар (4-нчи бет).

Стокгольм Мурожаатига 273 миллион киши қўл қўйди (4-нчи бет).

Ўзбекистон спартакиадасида (4-нчи бет).

Уй-жой қурилишига жиддий э'тибор берайлик

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида эришилган буюк муваффақиятларимиз социалистик тузумнинг порлоқ самарасини ва унинг олижаноб фазилатларини бутун дун'ёга яна бир марта намойиш қилмоқда. Ватанимиз эришаётган ғалабалар совет давлати куч ва қудрати ҳамда унинг экономикаси кундан-кун ўсиб, ривожланиб бораётганини кўрсатади. Социалистик тузум туфайли меҳнаткашларнинг маданий ва маиший турмуши кундан-кун яхшиланиб бормоқда.

Большевиклар партияси, совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Сталин меҳнаткашларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари ва маданий яшашлари ҳақида ҳамма вақт ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Совет ҳокимияти йилларида социалистик саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданият барқ уриб ривожланиши билан бирқаторда, шаҳар ва районларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, янгидан-янги шаҳарлар, қишлоқлар ва ишчилар шаҳарчалари бун'ёдга келтирилди. Миллионларча обод, чиройли ва ҳашаматли уй-жой бинолари қурилди.

Ўртоқ Сталин ВКП(б) Марказий Комитетининг иши тўғрисида партиямизнинг XVII с'ездида қилган докладида бундай деган эди: «Катта шаҳарларимиз ва саноат марказларимизнинг қиёфаси ўзгарди. Буржуа мамлакатларидаги катта шаҳарларда муқаррар учратиладиган ва уларни айириб турадиган белги—шаҳар четидаги ишчи кварталлари деб аталадиган чордеворлардан иборат бўлиб, улар қоронғу, зах, кўпчилиги ертўла, ярим хароба бинолардир, одатда бу жойда ҳечнарсаси йўқ кишилар ифлос жойларда, тақдирга ла'нат ўқиб яшайдилар. СССРдаги революция шунга олиб келдики, бундай ертўлалар бизда бутунлай йўқолиб кетди. Улар ўрнига яхши ва ёруғ янги ишчи кварталлари қурилди, шу билан бирга бизда кўпинча ишчи кварталлари шаҳар марказларидан кўра яхшироқ».

Сталинча бешйилликларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси бутунлай ўзгарди. Қадимги пасқам, кўримсиз бинолар ўрнида чиройли ва бирнеча қаватли бинолар қад кўтарди. Большевиклар партияси ва совет ҳукумати уй-жой қурилишига ҳамма вақт катта э'тибор бериб келмоқдалар. Айниқса урушдан кейинги йилларда уй-жой қуриш кучайтириб юборилди. Урушдан сўнгги сталинча бешйилликнинг фақат тўрт йили мобайнида Совет Иттифоқи шаҳарларида 72 миллион квадрат метр ҳажмида янги уй-жой қурилди ва тикланди. Қишлоқ жойларда бу вақт ичида 2 миллион 300 минг уй қурилди. 1950 йилнинг иккинчи кварталида уй-жой қурилишида капитал ишлар ҳажми ўтган йилнинг иккинчи кварталидагига нисбатан 126 процент ортиқ бўлди. Биргина Тошкент шаҳарида сўнгги 3 — 4 йил мобайнида 47 минг квадратметр ҳажмида турар-жой бинолари қурилди. Мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи уй-жой олиб олди. Мавжуд уй-жой биноларини қайтадан қуриш ва обод қилиш учун шаҳар бюджетидан 19 миллион сўм маблағ сарфланди. Мана бу фактлар большевиклар партияси, совет ҳукумати ва ўртоқ Сталиннинг мамлакатимиз меҳнаткашларининг маданий-маиший шароитларини яхшилаш ҳақида тинмай қилаётган ғамхўрлигининг порлоқ намунасидир.

Ватанимизда уй-жой қурилиши ишларини жадал сур'атлар билан олиб бориш ва уларни қисқа муддатда қуриб тамомлаш, қурилиш ишлари сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш учун барча имкониятлар яратиб берилган. Қурилиш ишларимизда энг илғор совет техникаси ва механизацияси кенг қўлланилмоқда. Бинокорларимиз орасидан ажойиб кишилар—мастерлар, новаторлар етишиб чиқди. Совет ҳукумати уларнинг фидокорона меҳнатини юксак баҳоламоқда. Жуда кўп бинокорлар орден ва медальлар билан мукофотланди ва уларга Сталин мукофоти лауреати унвони берилди.

Кўпгина саноат корхоналари бинокор-новаторларнинг тажрибаларидан фойдаланиб, уй-жой қурилиши планларини бажаришда яхши муваффақиятга эришмоқдалар. Ильич номидаги завод уй-жой қурилиши йиллик планини 6 ой ичида 67,6 процент, Йўллар министрлигига қарашли машинасозлик заводи 81 процент бажарди. Афсуски, республикамизда уй-жой қурилиши ҳамма ерда ҳам яхши бораётир, деб бўлмайди. Баъзи хўжалик ходимлари, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари уй-жойлар қурилиши планларининг бажарилиши учун қаттиқ кураш олиб бормаётирлар. Бунинг натижасида ип фабрикаси йиллик планни 30,6 процент, лак-бўёқ заводи 2,8 процент, экскаватор заводи 29,6 процент, Озиқ-овқат саноати министрлиги 19,4 процент бажарганлар, холос. Бу мутлақо кечириб бўлмайдиган бир ҳолдир. Бу корхоналарнинг раҳбарлари ўз ишчи ва хизматчиларининг маданий-маиший аҳволи ҳақида ёмон ғамхўрлик қилмоқдалар. Улар уй-жой қурилиши билан қизиқмайдилар.

Тошкент шаҳар советининг бешинчи сессиясида уй-жой қурилиши ва уларни ремонт қилиш масаласи муҳокама қилиниб, 2571 уй-жойни ремонт қилиш, шунингдек Ўзбекистон ССР Енгил саноат ва Озиқ-овқат саноати министрликларига, «Чирчиқстрой» трести, «Узпромстрой»нинг Тошкент темир йўл бошқармасига ҳамда шаҳардаги 15 йирик муассасага 26,9 минг квадратметр ҳажмида янги уй-жой бинолари қуриш топширилган эди. Шаҳар совети ва бу корхона, муассасаларнинг раҳбарлари сессия қарорларининг бажарилиши учун большевикча кураш олиб бормадилар. Натижада уй-жой қурилиши ҳамон қониқарсиз бормоқда.

Айрим хўжалик ташкилотлари уй-жой қурилиши сифатига э'тибор бермайдилар. Ҳали тамом қурилиб, деворлари оқланиб, пол ва шиплари бўяб бўлинмаган ҳамда давлат комиссияси қабул қилмаган уйларни фойдаланиш учун бермоқдалар. Еки бўлмаса уйларнинг атрофлари, ҳовлилар обод қилинмаган. Биз шунга эришайликки, янги қурилган уйларимиз ҳамма томондан мукаммал ва бекаму-кўст, озода ва обод бўлсин.

Қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари шуни эсдан чиқармасликлари керакки, улар уй-жойлар қурилиши юзасидан берилган давлат планларини ҳеч-сўзсиз бажаришлари, қурилиш муддатларини қисқартиришлари, иш сифатини ошириб, қурилиш ишларининг таннархини пасайтиришлари керак. Совет ҳукумати 1950 йил 1 июльда чиқарган қарори билан қурилиш нархини ўрта ҳисобда 25 процент камайтирди. Бу эса қурилиш трестлари ва бошқармаларидан меҳнатни тўғри ташкил этиш, меҳнат унумини ошириш, маблағ ва материалларни иқтисод қилиб сарфлашни талаб этади.

Ба'зи қурилиш раҳбарлари уй-жой қуриш ва ишчилар шаҳарчаларини обод қилиш ишларини комплекс равишда олиб бормайдилар. Бу эса маблағ ва материалларни ўринсиз сарфлашга, ишчи кучларидан унумсиз фойдаланишга олиб келмоқда. Айрим жойларда қурилишлар лойиҳалар билан ўз вақтида та'минланмаганлиги натижасида, қурилиш муддати чўзилиб кетмоқда. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Уй-жой қурилиши соҳасидаги асосий камчиликлардан яна бири шундан иборатки, жойларда ташкилий ишлар ёмон уюштирилган. Ба'зи министрликлар қурилиш бошқармаларини ҳаддан ташқари майдалаштириб юборганлар. Бу эса кадрлардан, маблағ, механизация ва материаллардан тўла ва унумли фойдаланишга халақит бермоқда. Базифа шундан иборатки, кичик, камқувват қурилиш бошқармаларини йириклаштириш, уларни катта бошқармаларга қўшиш ва бу бошқармаларни ҳозирги замон илғор техникаси билан қуроллантириш, қурилиш ишларини ҳамма ерда кенг миқ'ёсда машиналаштириш лозим.

Уй-жой қурилиши планларининг тўла ва ошириб бажарилиши партия ташкилотларининг бу ишга доим ёрдам беришига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Уй-жой қурилиши планларининг бажарилиши — партия ташкилотларининг жонажон ишидир. Уй-жой қурилиши—меҳнаткашларнинг маданий-маиший турмушини яхшилаш ва фаровон ҳаёт кечиришларини та'минлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Партия ташкилотлари уй-жой қурилиши ишларини ўз назорати остига олган ва қурилиш бошқармаларига ёрдам берилган жойларда катта муваффақиятларга эришилмоқда. 1950 йилда уй-жой қурилиши планининг тўла бажарилишига эришиш—партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Партия ташкилотлари илғор бинокорлар, новаторлар ва мастерларнинг тажрибасини кенг оммалаштиришлари, қурилишларда техникадан кўплаб фойдаланишга эришишлари керак. Партия ташкилотлари бинокорлар орасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришлари, уларнинг маданий-маиший эҳтиёжлари ҳақида тинмай ғамхўрлик қилишлари лозим. Партиявий-сиёсий ишларнинг яхши йўлга қўйилиши—бинокорларни меҳнат соҳасида янгидан-янги зафарларга илҳомлантиради.

Совет бинокорлари ўзларининг ижобий ишлари билан мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар большевиклар партияси ва совет ҳукуматининг раҳбарлиги остида муҳим давлат ишларини бажармоқдалар. Уй-жойларни қисқа муддатларда, юқори сифатли қилиб қуриш—бинокорларимиз олдида турган энг муҳим вазифадир. Шаҳар ва қишлоқларимизда обод, гўзал уй-жой бинолари ва маданий муассасаларни янада кўплаб қурайлик. Янгидан-янги социалистик шаҳарлар ва колхоз қишлоқларини бун'ёдга келтирайлик!

Совет халқининг фидокорона меҳнати—тинчлик ишига қўшган муносиб ҳиссасидир

☆

Урушга қарши курашамиз

Биз Тинчлик тарафдорлари Стокгольм Мурожаатига қўл қўяётганимизда стахановча вахтада туриб ишлаб, социалистик мусобақани янада кучайтирамиз деб ва'да берган эдик.

Мен Сталин номидаги тўқимачилик комбинатининг йигирув фабрикасида мастер ёрдамчиси бўлиб ишлаб келардим. Мурожаатга қўл қўйиб, стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлаганлигим ва меҳнатда намуна кўрсатганлигим учун комбинат бўйича энг яхши мастер ёрдамчиси номини олдим.

Менинг қўл остимда 28 та ип йигирув машинаси бор. Шу машиналарда ишловчилардан Кривоносова, Журавлёва ва Юсупова ўртоқлар ойлик планларини бир ярим ҳисса адо этмоқдалар. Буларга ўхшаш стахановчи хотин-қизлар фабрикамизда жуда кўп. Булар ҳозир қўшимча мажбурият олиб, маҳсулотнинг 99,5 процентини а'ло даражада топшириш учун курашмоқдалар.

Биз Тинчлик тарафдорларининг биринчи сафида бораётган совет кишилари, стахановча меҳнатимиз билан, янги уруш оловини ёқучиларга қақшатғич зарба берамиз, урушга қарши курашамиз.

Туроб ИСҲОҚОВ.

Сталин номидаги тўқимачилик комбинати ип йигирув цехининг мастер ёрдамчиси.

ТИНЧЛИККА БАҒИШЛАНГАН ЛЕКЦИЯЛАР

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий лекция бюроси республикамизнинг бутун область ва районларида тинчликка бағишланган темаларда жуда кўп лекциялар уюштиради.

Лекция бюросининг лекторларидан Нормуҳаммедов, Қодиров, Иванченко, Қорабоев, Тўлаганов, Гринько ва бошқа ўртоқлар Самарқанд, Андижон, Фарғона ва бошқа областьларда «Дун'ё халқлари тинчлик учун курашда», «СССР — тинчликнинг мустаҳкам таянчи», «Америка Қўшма Штатлари реакциянинг маркази», «Илғор ёзувчилар тинчлик учун курашда» деган ва бошқа темаларда лекциялар ўқидилар.

Булардан ташқари Республика Марказий лекция бюроси область ва район лекция бюроларига тинчлик темаларидаги лекцияларнинг ёзма текстини юборди.

Т. ИМОМОВ.



Тошкент пассажир депосининг стахановчи машинисти коммунист М. Исмоилов стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлаб, июль ойида ўз машинасининг техника тезлигини 5 километрга кўпайтирди. У шу кунларда яна ҳам яхшироқ ишламоқда. **Суратда:** ўртоқ М. Исмоилов ўз машинаси ёнида.

А. Ашкинезер фотосуреті. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Наманган область, Тўрақўрғон районидаги 1-нчи МТСнинг коллективи областьда ғўзаларни культивация қилиш мавсум планини биринчи бўлиб бажарди. Трактор бригадалари стахановча вахтада туриб ишлаб, пахта йиғимтеримигача яна икки минг гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олди. Бу ердаги ҳамма «универсал»ларга махсус тўсқичлар ўрнатилган.

«Бирлашган» колхозидаги трактурчи Ёқуббой Мирзаев а'ло даражада ишламоқда. У, ҳозиргача 1.225 гектар ердаги ғўзани культивация қилди. Бу стахановчи ҳар куни 12, 13 гектар ерни ишлаб бермоқда. Маҳмуд Қосимов ва Абдувоҳид Жалолов бошлиқ бригадаларнинг универсалчилари мавсумда 1.100—1.200 гектар ерни ишлаб бердилар. МТСнинг стахановчи трактурчилари иқтисод қилинган ёнилғи ҳисобига бирнеча ўн гектар ердаги ғўзаларни культивация қилдилар.

☆

Савдо ходимларининг ҳиссаси

Бухоро область, Қоракўл район матлубот кооперация ходимлари тинчлик вахтасида ишлаб, янги муваффақиятларни қўлга киритаётирлар. Ўтган ярим йиллик мол оборати плани муддатидан илгари бажарилди. Металл парчалари тайёрлаш йиллик плани ошириб бажарилди. Меҳнаткашларни кенг исте'мол моллари билан та'минлаш мақсадида райондаги ҳамма колхозларда дўконлар очилган.

Пахта далаларида 3 та кўчма дўкон ҳархил моллар билан савдо қилмоқда. Районнинг энг узоқ Қизилравот советидаги чорвадор колхозларнинг а'золарига кейинги ойларда кўп миқдорда саноат моллари, пойафзал, тайёр кийимлар, озиқ-овқат ва маданий моллар, шунингдек чўпонларга махсус иссиқ кийимлар ва рўзғор асбоблари юборилди. Савдо ходимларининг кўплари стахановча тинчлик вахтасида зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Коммунист Олтин Очилова, Ойнора Султонова, комсомол а'зоси Ҳайдар Нуруллаев ўртоқлар мол оборати планларини 150—160 процентга етказиб бажараётирлар.

Матлубот союзи пахта йиғим-терими даврида колхозчиларга янада яхшироқ хизмат кўрсатиш мақсадида, ҳамма дўкон мудирларини махсус семинардан ўтказди. Колхозларнинг боқча, яслилари, чойхона ва ошхоналар учун асбоблар тайёрланмоқда, қоп-қанор, арқон ва фартуқлар ҳозирланмоқда.

Қоракўл район матлуботчилари пахтакорларга янада яхшироқ хизмат кўрсатиш ва мол оборати йиллик планини Улуғ Октябрь байрамининг 33 йиллигигача бажариш юзасидан Свердлов район матлубот кооперацияси ходимлари билан социалистик мусобақа шартномаси туздилар.

Ш. МЎМИНОВ.

ТИНЧЛИК ВАХТАСИДА

СССР Қурилиш министрлигига қарашли Қувасой шифер заводининг коллективи тинчлик вахтасида ишлаб, ярим йиллик планини 105, июль ойи планини 106 процент бажарган эди. Завод коллективи йиллик ишлабчиқариш планини 7 ноябрьгача бажариш мажбуриятини олиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда ажойиб намуна кўрсатмоқда. Завод ишчиларидан Эшдавлат Эрматов, И. Ҳасанов, Грунина каби ўртоқлар стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлайбошлаганларидан буён кунлик топшириқни икки ҳисса ошириб бажармоқдалар.

И. ИСМОИЛОВ.

Ирригация ва мелиорация ишлари йигирма кунлиги

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, шу йил 15 августдан 5 сентябрьгача республикада ирригация-мелиорация ишлари йигирма кунлиги ўтказилади. Шу йигирма кунлик ичида колхоз ва совхозларда коллектор — зовурларни тозалаш, шу билан ғўзаларнинг тез ва текис етилиши учун шароит яратиб бериш, шунингдек ирригация қурилишида ва янги ерларни ўзлаштиришда юз берган қолоқликни тугатиш вазифаси қўйилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг қарорида машина-экскаватор станцияларидаги илғор механизаторларнинг йигирма кунликда стахановча ишлаб, машиналарнинг унумини оширишда юксак кўрсатгичларга эришиш ҳақидаги ташаббуси ма'қулланди.

Ҳарбир область учун қат'ий топшириқлар тасдиқланди.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигига ҳарбир объект учун лойиҳалар, асбоб-ускуналарни ўз вақтида тайёрлаб бериш, техник ходимлар белгилаш, ҳамма ишларнинг бажарилиши устидан қаттиқ техника назорати ўрнатиш вазифаси юклатилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва область партия комитетлари йигирма кунликни ўтказиш планини тез вақт ичида муҳокама қилиб, ҳарбир об'ект бўйича аниқ иш ҳажмини, ишчи кучлар миқдорини белгилашлари, ишнинг унумли бўлиши учун шароит яратишлари, ирригация-мелиорация ишларида ишловчилар учун маданий-оммавий, маиший ва тиббий хизмат кўрсатишни намунали уюштиришлари керак.

Бу йил йигирма кунликда ўтган йилдагига қараганда анча кўп иш қилинади, машиналардан кўп фойдаланилади. Ирригация-мелиорация ишларида бирнеча минг киши қатнашади.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ «МАЙДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК АРТЕЛЬЛАРИНИ ЙИРИКЛАШТИРИШ МУНОСАБАТИ БЛАН КОЛХОЗ ВА МТСЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА» НОМЛИ БРОШЮРАСИ НАШР ЭТИЛДИ

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Майда қишлоқ хўжалик артельларини йириклаштириш муносабати блан колхоз ва МТСларнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги (1950 йил 21 июнъда колхоз раислари кенгашида ва 24 июнъда Москва областидаги МТС трактор бригадалари бошлиқлари ва директорлари кенгашида сўзланган нутқлар) номли брошюрасини чоп этди.

Брошюра 100 минг нусха босиб чиқарилди. (ТАСС).

КАСАБА СОЮЗЛАРИ УЧУН ЯНГИ КАДРЛАР

ВЦСПСнинг Тошкентдаги касаба союз ходимлари тайёрлаш мактабини 68 киши битириб чиқди. Улар касаба союз раҳбар ходимлари ва меҳнат бўйича экономистлик дипломларини олдилар. Мактабни битирувчиларнинг ярмидан кўпи маҳаллий миллатлардандир. Давлат имтиҳонини Охунов, Иброҳимов. Железнов, Мусаев, Фёдоров ва бошқа ўртоқлар а'ло баҳо билан топширдилар.

Битирувчиларнинг ҳаммаси Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қозоғистон республикалари касаба союзларида ишлаш учун юборилади.

П. ҒАНИЕВ.

ЯНГИ МУТАХАССИС ИШЧИЛАР

Республикадаги ҳунар мактабларида имтиҳонлар тамом бўлди. Халқ хўжалигига машинасозлар, темирйўлчилар, алоқачилар, химиклар ва бошқа мутахассис ишчилар тайёрлаб берилди. Бу мактабларни битирганларнинг ярмига яқини маҳаллий миллат кишиларидир.

Битирувчиларнинг 98 проценти яхши ва а'ло баҳолар блан имтиҳон топшириб, 4 ва 5-нчи разрядли мутахассис бўлиб етишди. Корхоналарда ўтказилган тажрибалар вақтида ўқувчиларнинг кўпчилиги ишчилар учун белгиланган нормани бир ярим ва икки баравар қилиб бажардилар. (ЎзТАГ).

СТУДЕНТЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЖРИБАЛАРИ

Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги ирригация ва механизацияси инженерлари институтининг 3—4-нчи курс студентларидан 120 киши Челябинскдаги трактор заводида тажриба қилмоқдалар.

Студентлардан С. Пўлатов, Н. Просветов ва бошқа ўртоқлар завод ма'мурияти ва коллективининг меҳрибонлигидан бениҳоя миннатдор бўлиб, шундай деб ёзадилар:

— Завод ма'мурияти бизни жуда яхши кутиб олди, ишлаш ва дам олиш учун яхши шароит туғдирди, қобилиятимизга қараб цехларга тақсимлади. Айрим студентлар заводнинг марказий лабораториясида тажриба ишларини олиб бормоқдалар. Бизни энг кучли С—80 тракторини ишлаб чиқариш жараёни блан таништирдилар. Ҳозир детальларни ишлаш ва тракторни йиғишдаги энг кейинги методлар блан танишмоқдамиз. Заводдаги илғор кишилар — мутахассислар биз учун турли темада лекциялар ўқиб турибтилар.

Тажрибадаги студентлар Жанубий Уролдаги энг йирик корхоналарда экскурсияларда бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси шарафига

☆

Мусобақа ғолиблари

Тошкентдаги Каганович номидаги паровоз ва вагон ремонти заводининг коллективи сталинча темирйўлчилар куни олди мусобақасида эришган муваффақиятларини мустаҳкамлаб, Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси шарафига социалистик мусобақани кенг кўламда қизитиб юборди.

Сессияолди мусобақасида заводнинг қизил байроқли қозон, тендер, паровоз ва чўян қуйиш цехлари олдинда бормоқда. Июль ойи планини 105,3 процентга етказиб бажарган чўян қуйиш цехининг коллективи август ойининг дастлабки 5 куни ичида пландан ташқари бирнеча тонна чўян қуйиб берди. Цехнинг тинчлик вахтасида туриб ишлаётган Акбар Исмоилов, Яков Деркач, Сергей Михайлов, Азизов, Аҳмедов каби стахановчилари социалистик мусобақани кучайтириб, кунлик нормаларини 250 — 300 процентдан бажармоқдалар.

Паровоз цехининг коллективи сессия очиладиган кунгача пландан ташқари 3 та паровозни жорий ремонтдан чиқариш учун курашмоқда. Цехнинг 150 дан ортиқ ишчиси кунлик топшириғини 200 процентдан бажариш мажбуриятини олиб, меҳнатда ташаббускорлик намуналарини кўрсатаётирлар.

М. САИДОВ.

ТАЙЁРЛАШ ПУНКТЛАРИ ЯНГИ ҲОСИЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁР!

УРГАНЧ, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «1950 йилда ҳосилни йиғиштириб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тўғрисида» чиқарган қарорига жавобан, Хосиён тайёрлаш пунктида янги мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди.

Ғазовот пункти ҳам янги пахта ҳосилини қабул қилишга тайёрлаб қўйилди. Пункт хизмат қиладиган колхозларда пахта йиғим-терими олдидан катта тушунтириш ишлари ўтказилди. «Қизил Октябрь», «Коммунизм», Сталин номли, Молотов номли колхозларда пахтанинг сортини бузмасдан хиллаб териш масалаларига доир лекция ва суҳбатлар ўтказилди. Колхозларга кўп миқдорда уч хонали этак ва қоп-қанорлар юборилди.

☆

Стахановча вахтанинг дастлабки якунлари

САМАРҚАНД. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). Ҳужум пилладақлик фабрикасининг ишчи ва хизматчилари Стокгольм Мурожаатига имзо қўйиб, планни муддатидан олдин бажариш, маҳсулотнинг сифатини янада яхшилаш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олган эдилар.

Шу муносабат блан фабрикада бўлиб ўтган митингдан кейин ишчиларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати янада кучайди. Фабрика инженер-техник ходимлари кўпроқ а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашиб, июль ойи топшириғини 115 процент бажардилар. А'ло сифатли маҳсулот пландагига нисбатан кўпроқ ишлаб чиқарилди. Меҳнат унуми 17 процент ошди. Пландан ташқари 600 минг сўмлик маҳсулот берилди ва 350 минг сўм жамғарма тўпланди.

Тинчлик вахтасида турган коллектив август ойи планининг биринчи ҳафта топшириғини 110 процент адо этди. Ўртоқ Тошбиби Бекмуҳаммедова бошлиқ а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаручи бригада Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси шарафига фақат а'ло сифатли ипак ишлаб бермоқда. Бу бригаданинг стахановчиларидан Мордухаева, Шапошникова ва бошқа ишчилар кунига икки нормадан ишламоқдалар. А'ло сифатли маҳсулот беришда катта муваффақиятларга эришган ўртоқ Ахтамов бошлиқ цех а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаручи цех номини олишга муяссар бўлди.

Фабрика коллективи йиллик планни Сталин Конституцияси куни — 5 декабрьгача бажариш юзасидан олган мажбуриятини амалга ошириш учун зўр ғайрат блан ишламоқда.

Сессия шарафига

Фарғона область Бағдод район маҳаллий саноат комбинатининг коллективи Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора оширмоқда.

Саноат комбинати 1950 йилнинг дастлабки 6 ойида ишлабчиқариш планини 123,7 процент бажарди. Этикдўзлик цехи ярим йиллик планини 330 процент, тиқувчилик цехи 216 процент, тахта тилиш цехи 135 процент ва чий тўқиш цехи 130 процентга етказиб адо этдилар. Бу цехларда июль ойи плани ҳам муддатдан 4 кун илгари бажарилди.

Тахта тилиш цехининг илғор стахановчиларидан Осипенко, Абдураҳмонов, Йўлдошев ва Комилов ўртоқлар ҳар куни пландан ташқари 6 — 7 кубометрдан тахта тилмоқдалар.

М. ШАРИПОВ.

Темир йўл бинокорларининг ғалабаси

Тошкент Темир йўл бошқармаси ҳузуридаги Дорстройтрест ходимлари социалистик мусобақани қизитиб юбордилар.

Улар 1950 хўжалик йилининг биринчи ярмида 5 минг квадратметрга яқин ҳажмда уй-жой қуриб, эксплоатацияга топширдилар. Шу жумладан, Тошкентдаги Полтарацкая кўчасидаги кўп қаватли 36 квартирли уй, Товар дворида солинган 12 квартирли уй, Энгельс кўчасида қад кўтарган коттедж ва бошқалар темир йўл бинокорларининг ғалабасидир.

Яна Тошкент, Ванновская, Урсатьевская станцияларида 12 квартирли, Арисда 20 квартирли, Жиззах станциясида 7 квартирли уйлар солинаётир. Шунингдек, Тошкент Темир йўл станцияларида Сибирьдан келтирилган ярим тайёр ҳолдаги ёғоч уйлар қурилмоқда. Бундан ташқари, Тошкентда 4 қаватли 41 квартирли янги бино солиш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Тошкент Темир йўл бошқармаси ишчи ва хизматчиларининг шахсий уй-жой қурилишларига ёрдам бериш учун ҳам 1 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратди. Бу йил 110 темир йўлчи давлатдан ёрдам олиб, шахсий уй-жой қурмоқда.

С. ШАМСИЕВА.

И. В. СТАЛИННИНГ «МАРКСИЗМ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ» НОМЛИ БРОШЮРАСИ НАШР ЭТИЛДИ

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти ўртоқ И. В. Сталиннинг «Марксизм ва тилшунослик масалалари» номли брошюрасини нашр этди.

Бу брошюрада ўртоқ Сталиннинг «Тилшуносликдаги марксизм ҳақида», «Тилшуносликнинг ба'зи масалаларига доир», «Ўртоқларга жавоб» деган асарлари бор.

Брошюра 500 минг нусха нашр этилди. (ТАСС).

СССР Министрлар Советидан

ССР Иттифоқи Министрлар Совети совет музика сан'атининг отоқли арбоби, СССР халқ артисти композитор Николай Яковлевич **Мясковскийнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу блан билдиради.

Сон-саноқсиз табриклар

Ўртоқ И. В. Сталиннинг 70 ёшга тўлганлиги муносабати билан унга сиҳат-саломатлик ва узоқ йиллар умр тилаб, самимий истакларини изҳор қилиб, қуйидаги ташкилотлар табрикномалар юборди-лар:

Бокудаги Октябрь революцияси номли нефть техникумининг ўқучилари, ўқитучилари ва хизматчилари коллективи;

СССР Фанлар Академияси Қирғизистон филиалининг коллектив;

Киев бадиий фильмлар кино студиясининг коллективи;

Бутун Россия кўрлар жамиятига қарашли Тамбов трикотаж фабрикасининг ишчилари ва хизматчилари коллективи;

В. В. Куйбишев номли темир йўлдаги Батракий станцияси вагон-ғилдирак ишхоналарининг ишчилари, хизматчилари, инженерлари ва техниклари коллективи;

Украина К(б)П Кременчук шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг ижроия комитети;

Тамбов кўкаламзорлаш трестининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари;

Ямало-Ненец миллий округининг Верхне-Пуровск буғичилик совхозининг чўпонлари;

Вологда протез ишхонасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Пенза областидаги Кузнецк нон комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Курск шаҳар электр станциясининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

Туркистон—Сибирь темир йўли Тулкибос паровоз депосининг ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари коллективи;

Новосибирск область, Киштов районидаги Чернов ёр заводининг ишчилари, хизматчилари, инженерлари ва техниклари;

Новосибирскдаги «Красная Сибирь» кондитер фабрикасининг ишчилари ва хизматчилари коллективи;

Бокудаги педагогика агробиология станцияси ва ёш мичуринчилар тўгарагининг коллективи;

Шадринск шаҳридаги Сталин номли завод болалар боғчасининг болалари ва тарбиячилари коллективи;

Климовдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли машинасозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Украина ССР Маориф министрлиги ходимларининг коллективи;

Белоруссия ССР Министрлар Совети аппарати ходимларининг коллективи;

Горький номидаги Киев Давлат педагогика институтининг коллективи;

«Советская Латвия» газетасининг редакцияси, Рига шаҳри;

Москва шаҳридаги Красная Пресня Райпромтрестига қарашли тўқимачилик-трикотаж фабрикасининг коллективи;

Челябинск механика-машинасозлик институтининг студентлари, профессорлари, ўқитучилари ва ходимлари;

ВКП(б) Новозибково шаҳар комитети (Брянск область) ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг ижроия комитети;

Қозоғистон К(б)П Жамбул шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети;

Электр саноати министрлигига қарашли Томск электр-мотор заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

«Бугурсланнефть» трестига қарашли 3-нчи нефть конининг ишчилари, инженер-техник ходимлари;

Украина К(б)П Чернигов шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети;

Сталино шаҳридаги «Сталинметаллургстрой» трестининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Москва—Рязань темир йўлидаги Мичуринск станциясининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Краснодар ўлкаси Адлер районидаги «Южные культуры» совхозининг ишчилари, мутахассислари ва хизматчилари коллективи;

Тамбов область, Уваров район матлубот кооперацияси ходимларининг йиғилиши;

Харьков областидаги Балаклиев ишчи ёшлар ўрта мактабининг ўқучилари ва ўқитучилари коллективи;

Сталинград область, Старо-Полтавск иҳота дарахтзорлари станциясининг ишчилари, хизматчилари ва мутахассислари;

Новосибирск область, Кочинов районидаги медицина ходимларининг коллективи;

Озарбайжон ССР Қосим Исмоил районидаги медицина ходимларининг коллективи;

Ворошиловград областидаги Успинск еттийиллик мактабининг ўқучилари ва ўқитучилари коллективи;

Курск шаҳар, Ленин районидаги суд, прокуратура ва адвокатура ходимларининг коллективи;

Полтава область, Гадяшч педагогика билим юртининг ўқитучилари ва ўқучилари коллективи;

Молдавия К(б)П Марказий Комитети аппаратининг ходимлари;

Қозоғистон ССР Фанлар академиясига қарашли кончилик, тупроқшунослик, астрономия ва физика институтларининг, секторларининг ва ишлар бошқармасининг илмий ходимлари, ишчилари ва хизматчилари;

Бобруйск шаҳар музика мактаби ходимлари, ўқитучилари ва техник ходимлари, область халқ ижоди уйи ва театрининг ходимлари

Харьков область, Купянск районидаги «Маяк Коммуни» колхозининг а'золари;

Сталино области, Тельман районидаги Коньков тегирмонининг ишчилари ва хизматчилари коллективи;

Олтой ўлкаси, Каменск районидаги «Память Ленина» колхозининг а'золари;

Озарбайжон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли Берия номли совхозининг коллективи;

Харьковдаги киномеханиклар республика мактабининг коллективи;

Белоруссия К(б)П Молодечно район комитети;

Кировоград областидаги санитария маорифи уйининг ходимлари;

Меҳнаткашлар депутатлари Харьков область Кегичев район Совети ижроия комитети ходимларининг коллективи;

Новосибирск область, Ояшинск районидаги «Муравей» колхозининг а'золари;

Харьков областидаги Дунинск бошланғич мактабининг ўқитучилари ва ўқучилари;

Архангельск рус халқ шимол қўшиқлари хори коллективи;

Нахичеван АССР Ордубат шаҳридаги шойи тўқиш фабрикасининг стахановчилари, ишчилари ва хизматчилари;

Ростов область, Аксайск районидаги МТСнинг ишчилари, хизматчилари, комбайнчилари ва коллектив;

Сизран ўқитучилар институтининг ходимлари ва студентлари коллективи;

Швейниц Крейстаги ва округ совети, Херцберг шаҳар йиғилиши ва шаҳар совети, Германия;

Бург шаҳар йиғилиши ва шаҳар совети, Германия;

Рейнметалл-Борзиг (Зомерда) заводининг ишчилари;

Плауэн шаҳридаги герман-совет дўстлиги жамияти;

Кведлингбург шаҳрида нацистлар усул идораси вақтида та'қиб этилган кишилар ташкилоти;

Тирана партия мактабининг ўқитучилари ва ўқучилари, Албания;

Булғория компартиясининг Пловдив округ ва шаҳар комитети;

Шарқий Пиреней касаба союзларининг департамент бирлашмаси;

Африка Демократик бирлашмаси;

Компартия Глазго комитети ва а'золари, Англия;

Берлин темир йўл дирекцияси 1-нчи районининг темирйўлчилари;

Лондондаги Степни районининг касаба союзлари совети;

Париждаги Клиши районининг аҳолиси;

Эршир районининг коммунистлар партияси, Англия;

Дунаваршань қишлоғи меҳнаткашлари номидан сайланган халқ депутатлари, Венгрия;

Мезэвешд қишлоғи халқ депутатларининг тантанали мажлиси, Венгрия;

Венгрия меҳнаткашлар партиясининг Пилишлигет ташкилоти ва қишлоқ меҳнаткашлари;

Венгер хотин-қизлари демократик союзи Карцаг шаҳри ташкилотининг а'золари;

Венгрия Марказий радио эшитдириш ходимларининг коллективи;

(Табрик телеграммалари рўйхатининг давоми газетамизнинг келгуси сонларида босилади).



Янгийўл шаҳридаги Сталин номли 10-нчи ўрта мактаб биноси батамом ремонт қилиниб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. **Суратда:** мактаб биносининг ташқи томондан кўриниши.

В. Сироткин фотоси.

С Е В Г И

Иосиф Сталиннинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан дун'ёнинг ҳар томонидан юборилган табрик хатлари рўйхатини э'лон қилиш давом этмоқда.

(Газеталарни ўқиганда)

Саломлар оқини, табриклар наҳри,
Розилик, раҳматдан узилмас рўйхат,
Юракдан номалар, дун'ёнинг меҳри,
Фақат миннатдорлик, чин севги
фақат —
Кремль уйида буюк одамга,
Одамки, нур сочар бутун оламга;
Шарафдан ва шондан гултож ўрайди,
Қуёш ҳар чиққанда унга қарайди.
Бу севги тоғларнинг тагидай вазмин,
Бу севги — истаклар каби кўп
юксак,
Барча девонларнинг ғазалин,
назмин —
Улуғ бир китобга тўпласак, йиғсак,
Шу севги қудратин баён қилолмас,
Бу ишқни батамом аён қилолмас,
Чунки, бу муҳаббат халқимиздаги —
Энг олий ҳиссларнинг жам'улжам'идир,
Сталин отага халқимиздаги
Фарзанд вафосининг чин қасамидир.
Чунки бу муҳаббат дун'ё қалбининг
Эртага интилган туйғуларидир,
Меҳнат манглайида ҳақ талабининг
Кураши, зафари, қайғуларидир.
Сталин отага эллар севгисин
Қанчалик тараннум айласак — бу оз,
Ғолиб коммунанинг иқбол пегизин
Ҳали кўп асрлар куйлар олтин соз!

М. ШАҲХЗОДА.

ЯНГИ КИТОБЛАР

1950 — 51 ўқув йили учун нашр этилган янги дарсликлар

О. Шарафиддинов. — «АЛИФБЕ». 1-нчи синф учун. Редактори **Ф. Абдуллаев.** Ўздавнедашр, 1950 йил, тиражи 180.000. 95 бет, баҳоси 2 сўм.

М. Шамс ва **С. Фузаилов.**—«ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛИГИ». 1-нчи ва 2-нчи синфлар учун. Редактори **С. Фузаилов, С. Хусанов.** Ўздавнедашр, 1950 йил, тиражи 200.000, 210 бет, баҳоси 1 сўм 10 тийин.

О. Шарафиддинов, Т. Содиқов, М. Иброҳимов. — «ЎҚИШ КИТОБИ». 1-нчи синф учун. Редактори **С. Хусанов.** Ўздавнедашр, 1950 йил, тиражи 175.000, 183 бет, баҳоси 1 сўм 30 тийин.

Н. Н. Никитин, Г. Б. Поляк, Л. Н. Володина, — «АРИФМЕТИКА МАСАЛАЛАРИ ВА МАШҚЛАРИ ТЎПЛАМИ». 1-нчи синф учун. **М. Алиев** таржимаси, редактори **М. Одилов,** Ўздавнедашр, 1950 йил, тиражи 145.000, 154 бет, баҳоси 1 сўм 20 тийин.

В. Ф. Дружинин.—«ЎЗБЕК ТИЛИ». Рус мактабларининг 3-нчи синфи учун. Редактори **И. А. Киссен.** Ўздавнедашр, 1950 йил, тиражи 20.000, 110 бет, баҳоси 1 сўм 30 тийин.

И. А. Киссен. — «ЎЗБЕК ТИЛИ». Рус мактабларининг 4-нчи синфи учун. Редактори **Х. Сулаймонова.** Ўздавнедашр, 1950 йил, тиражи 20.000, 121 бет, баҳоси 1 сўм 75 тийин.

Н. Скаткин.—«ЖОНСИЗ ТАБИАТ». 4-нчи синф учун. **Л. Муродов** таржимаси, редактори **А. Қосимов.** Ўздавнедашр, 1950 йил, тиражи 70.000, 187 бет, баҳоси 1 сўм 85 тийин.

М. Шамс, Т. Содиқов. — «ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛИГИ». Грамматика ва имло. 4-нчи синф учун. Редактори **С. Фузаилов.** Ўздавнедашр, 1950 йил, тиражи 100.000, 138 бет, баҳоси 1 сўм 20 тийин.

С. Долимов. — «ВАТАН АДАБИЁТИ». 5-нчи синф учун. Редактори **М. Иброҳимов.** Ўздавнедашр, 1950 йил, тиражи 130.000, 323 бет, баҳоси 3 сўм 55 тийин.

В. А. Тетюров. — «БОТАНИКА». 5-нчи синф учун. **В. Раҳимов** таржимаси, редактори **С. Шарафиддинов.** Ўздавнедашр, 1950 йил, тиражи 80.000, 258 бет, баҳоси 2 сўм 90 тийин.

А. В. Барков, А. А. Половникин. — «ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ». 5-нчи синф учун. Редактори **А. Шоумаров.** Ўздавнедашр, 1950 йил, тиражи 65.000, 171 бет, баҳоси 2 сўм.

Қирғизистон Давлат халқ хорининг гастрольлари

Қирғизистон Давлат халқ хорининг коллективи бундан бирнеча кун илгари Ўзбекистонга келган эди. Коллектив Самарқанд ва Бухоро областьларининг шаҳарларида, район марказлари ва колхозларида концертлар қўйиб берди.

Хор составида Ленин орденли Қирғизистон Давлат опера ва балет театрининг солисти, Қирғизистон ССР халқ артисти Сайра Кийизбоева, шу театрнинг солистлари Ирким Мингинилова, Кабеков ва бошқа ўртоқлар бор.

Хор 50 кишидан иборат. Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист Мискал Умурқанова, Прагадаги Халқаро демократик ёшлар фестивалининг иштирокчиси Назира Тойгомбоева ва бошқалар хорнинг солистларидир.

Хор бугун Тошкентга келиб, Свердлов номидаги концерт залида республикамиз пойтахти тамошабинларига хизмат қилабошлайди.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Сессия қарорларини тўла бажарамиз

Шаҳримизнинг партия, совет, хўжалик ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси X с'ездининг шаҳарларни янада обод қилиш тўғрисидаги топшириқларига амал қилиб, бу соҳада анча муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Сўнгги икки йил мобайнида шаҳримиз хўжалигида катта ўзгаришлар юз берди. Коммунал хўжалик бўлими, саноат корхоналари ва якка тартибда уйжой қуриш йўли блан юзлаб янги бино қурилди. Қатор-қатор муҳташам бинолар қад кўтарган Коммунист, Охунбобоев, Марғилон, Комбриг Синицин ва Куйбишев номли кўчалар шаҳарнинг обод ва гўзал кўчаларига айланди. 3 та марказий кўчага, кўпгина йўлкаларга, 100 га яқин катта-кичик кўприклар устига асфальт ётқизилди. Кўча ва майдончаларга, заводларнинг маданият ва истироҳат боғчаларига қарийб 200 минг туп турли дарахт ўтқазилди.

1950 йилда шаҳарни янада обод, озода ва кўкаламзор қилиш масаласи, ободончилик ишлари бўйича доимий секциянинг таклиф ва маслаҳатлари шаҳар ижроия комитетининг президиуми ва шаҳар партия комитетининг бюро мажлисларида тез-тез муҳокама қилиб турилди, бу масала меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи сессияларида ҳам муҳокама қилинди.

Сессия қарорларини оғишмай бажариш учун корхона, муассаса, маҳаллаларда ва хонадонларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида шаҳарда ҳозиргача 12 марта шанбалик ўтказилди. Бу шанбаликларда шаҳарни сув блан та'минловчи Янгиариқнинг 8 километрлик участкаси, Пушкин номли маданият ва истироҳат боғидаги катта кўл, кўчалар, йўлка, майдончалар, шунингдек завод, фабрика ва артелларнинг атрофлари тозаланди. Кўчаларнинг паст ерлари текисланиб, йўлларга тупроқ ва шағал ётқизилди.

Охунбобоев, Боровский, Жийдакапа каби бирнеча серқатнов кўчага халқ кучи блан шағал тўкилди. Наримонов номли маҳалла меҳнаткашлари вокзал блан нефть базаси орасидаги катта кўчага шағал тўкиб, атрофига кўп дарахт ўтказдилар. 6 километрга чўзилган Куйбишев номли кўча ҳам текисланиб, бир қисмига шағал тўкилди.

Шаҳарни ёритиш ҳам бирмунча яхшиланди. Наманган сойи ҳамда Ғирвон-сойга 2 та темир-бетон кўприк қурилди, шаҳардаги 150 га яқин майда кўприкларга қувур ётқизилди, коммунал хўжалиги бўлимига қарашли иморат ва тураржойлар ремонти устидан назорат кучайтирилди, ремонт қилинган уйлар махсус комиссиянинг пухта кўригидан кейингина қабул қилиб олинмоқда.

Шаҳар Советининг яқинда бўлиб ўтган VI сессияси танқид, ўз-ўзини танқид асосида ўтди. Депутатлар шаҳар ижроия комитетининг ишидаги жиддий хато ва камчиликларни юз-хотир қилмай тўла очиб ташладилар, коммунал хўжалик бўлими, санитария инспекцияси, шаҳар савдо идораси ва бошқа корхона ҳамда муассаса раҳбарларининг ободончилик ишларига кампаниячилик деб қараб, жиддий хатоларга йўл қўйиб келаётганликлари конкрет фактлар блан кўрсатиб берилди. Шаҳар коммунал хўжалик бўлими (бошлиғи ўртоқ Абубакиров), шаҳар санитария инспекцияси (бошлиғи ўртоқ Ну'монов), шаҳар милиция идораси (бошлиғи ўртоқ Гадилшин) нинг ходимлари шаҳар ободончилиги ишига яхши э'тибор бермай келаётганликлари очиб ташланди.

Меҳнаткашларнинг якка тартибда тураржой қурилишларига етарли ёрдам кўрсатмаслик, участка қурилиш штабларининг иши устидан қаттиқ назорат ўрнатмаслик, шаҳар водопроводини ишга солишга э'тиборсизлик блан қараш шаҳар ташкилотларининг жиддий камчиликларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг натижасида шаҳарда якка тартибда қурилиши керак бўлган 1.900 тураржойдан энди 90 таси қурилиб бўлган, холос.

Ниҳоят, Ўзбекистон Коммунал хўжалик министрлиги раҳбар ходимларининг Наманган шаҳрини келгусида янада обод қилишга раҳбарлик ва ёрдам қилмай келаётганларини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Иттифоқ ҳукуматининг қарорига мувофиқ, Наманган шаҳрига 2 та энергопоезд юборилиши керак эди. Броқ республика Коммунал хўжалик министрлиги 1 та энергопоезд юборди. Бу ҳам капитал ремонтга муҳтож бўлиб чиқди. Коммунал хўжалик министрлиги ҳукуматнинг электр материаллар блан та'минлаш ҳақидаги топшириғини ҳам бажармай келаётир.

Шаҳардаги дизель электр станцияси коленчатий вал йўқлигидан бирнеча йилдан бери ишга солинмай келади. Бунга Коммунал хўжалик министрлиги орқали буюртма берилганига бир йил бўлди. Лекин бу асбоб ҳануз олингани йўқ.

Партия ва ҳукуматимизнинг, шахсан улуғ доҳимиз ўртоқ Сталиннинг шаҳар ободончилиги ҳақидаги кўрсатмаларини, СССР Олий Совети Сессиясининг қарорларини, шунингдек шаҳар Совети сессияларининг қарорларини оғишмай амалга ошираборий, бу ишлар учун ажратилган маблағлардан ўз вақтида тўла фойдалансак, Наманганни янада обод ва гўзал шаҳарга айлантирамиз.

М. ИБРОҲИМОВА.

Меҳнаткашлар депутатлари Наманган шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

Сайловчилар ўртоқ Ҳошим Ҳамидов номзодини ма'қулламоқдалар

Тошкент область, Калинин район, Карл Маркс қишлоқ советидаги Ватутин номли колхоз а'золари ва шу қишлоқ советидаги абразив заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳамда хизматчилари Калинин район 1-нчи участка халқ судьялигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишда республика юридик мактабининг ўқитучиси, юрист Ўртоқ Ҳошим Ҳамидов номзодини кўрсатдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан Ватутин номли колхозининг раиси Ўртоқ Мирзаев Ўртоқ Ҳамидовнинг юридик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматларини айтиб ўтди.

Завод ишчилари ва колхозчилар Ўртоқ Ҳошим Ҳамидовни номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифни якдиллик блан ма'қулладилар.

Калинин район ижроия комитети «Ўзбекистон ССР халқ судларига сайлов тўғрисида Низом»нинг 27 ва 29-нчи моддаларига мувофиқ, Ўртоқ Ҳошим Ҳамидовни Калинин район 1-нчи участка халқ судьялигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Ўртоқ Ҳошим Ҳамидов 1908 йилда туғилган, ВКП(б) а'зоси, республика юридик мактабининг ўқитучиси.

Номзод Ўртоқ Ҳошим Ҳамидов блан районнинг Ленин номли, Охунбобоев номли, генерал Раҳимов номли колхозларида учрашувлар бўлиб ўтди. Учрашувларда сайловчилар Ўртоқ Ҳамидовни самимий кутиб олдилар.

Совет суди — чинакам халқ суди

Партия ва ҳукуматимиз мамлакатимизда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга жуда катта э'тибор бериб келмоқдалар. СССРда социалистик қонунларни амалга ошириш иши совет суди зиммасига юкланган.

Совет суди мамлакатимиздаги ижтимоий ва давлат тузумини, социалистик мулкни, ғражданларнинг Сталин Конституциясида баён қилинган сиёсий ҳуқуқлари, меҳнат қилиш, уй-жой ҳуқуқлари ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини, давлат муассасалари, колхозлар, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиши лозим.

Шунинг учун ҳам партия ва ҳукумат совет суди тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Бутун совет халқи совет судини чексиз ҳурматлайди.

1949 йил 20 февральда халқ судларига сайловлар ўтказилган эди. Бу сайловлар сайловчиларнинг совет судига бўлган ишончи ва ҳурматини яққол исбот этди.

Халқ судларига ўтказилган сайловлар совет судининг обрўсини янада оширди, социалистик қонунчиликни ва социалистик ҳуқуқ тартибларини янада мустаҳкамлаш учун кучли восита бўлди. Бу сайловлар судларнинг демократик асосларини мустаҳкамлаб, уларнинг ишларини янада кучайтирди.

Совет халқи ўз Ватанига чексиз содиқ бўлган, большевиклар партиясининг сиёсатини юзага чиқараоладиган ва социалистик суд тартибларини амалга ошираоладиган энг яхши фарзандларини суд органларига сайлади. Ўзбекистон ССРда 241 халқ судьяси, 17 мингдан ортиқ халқ маслаҳатчиси сайланди. Буларнинг ҳаммаси коммунистлар блан партиясизлар блокининг номзодларидир.

Совет халқи ўзи сайлаган вакилларга давлат тузуми ва ижтимоий тузумни, социалистик мулкни кўзқорачигидай қўриқлаш ва хусусий мулкчилик сарқитларига қарши, ўғриларга қарши, давлат ва меҳнат интизомини бузучиларга қарши курашиш, социалистик қонунчиликни ва социалистик суд тартибларини мустаҳкамлаш учун кураш олиб бориш вазифасини юклади. Республикадаги халқ судлари сайловчиларнинг топшириқларини, партия ва ҳукуматнинг кўрсатмаларини бажариш йўлида катта иш қилдилар. Улар ҳарқандай жиноятларга қарши курашни кучайтирдилар. Кўпгина халқ судлари ўз ҳукмлари ва ажримларининг юқори суд органлари томонидан ўз кучида қолдирилишига муваффақ бўлдилар.

Республикадаги халқ судларидан 57 тасининг 1950 йилнинг биринчи кварталида чиқарган ҳукмлари ўз кучида қолдирилди. Самарқанд область, Хатирчи районидаги 3-нчи участка халқ суди Ўртоқ Ёмонқулов, Қорақалпоғистон АССР Чимбой районидаги 2-нчи участка халқ суди Ўртоқ Мельдешевнинг 1949 йил мобайнида чиқарган ҳукмлари юқори суд органлари томонидан бекор қилинмади.

Кўпгина халқ судьялари ўз участкаларида ишларни яхши йўлга қўйдилар, суд процессларини сиёсий жиҳатдан юксак савияда ўтказмоқдалар, халқ блан доим алоқа боғлаб, сайловчилар олдида ҳисоб бериб туриптилар. Қарши шаҳридаги 2-нчи участка халқ судьяси ўртоқ Искандарова, Коғон шаҳридаги 1-нчи участка халқ судьяси ўртоқ Юсупов, Паркент районининг халқ судьяси ўртоқ Тўлаганов ва бошқа кўпгина судьялар ўз ишларини намунали йўлга қўйдилар.

Халқ судлари ўз ишларини ҳозирги даврнинг талабларига мувофиқ суратда уюштирмоқдалар. Улар социалистик мулкни талончиларга қарши, ҳалол меҳнат қилишни истамаган ва халқ бойлиги ҳисобидан, ҳалол ишловчи меҳнаткашлар ҳисобидан яшашга интилаётган текинхўрлар ва ўғриларга қарши қат'ий кураш олиб бормоқдалар.

Социалистик мулк давлатимизнинг иқтисодий негизидир. Мамлакатимизда социалистик мулкни ўғирловчилар ва талон-торож қилувчиларга ҳеч қандай шафқат бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам улуғ йўлбошчиларимиз Ленин ва Сталин давлат социалистик мулкни қўриқлашни кучайтириш зарурлигини доим та'кидлаб келдилар. В. И. Ленин Октябрь революциясининг галабасидан кейиноқ, я'ни 1917 йил 18 ноябрьда аҳолига қилган мурожаатида барча меҳнаткашларни умумхалқ бойлиги бўлиб қолган давлат мулкини зийраклик блан қўриқлашга чақирди. Улуғ Ленин ўғирлаш ва талон-торож қилишни Улуғ Октябрь революциясининг галабаларига тўғридан-тўғри қасд қилиш деб ҳисоблади ва ўғирлар ҳамда муттаҳамларни социализмнинг душманлари деб атади.

Ўртоқ Сталин 1926 йилда Ленинград партия ташкилоти активининг йиғилишида қилган докладида бундай деган эди:

«Халқ мулкини ўғирловчи ва халқ хўжалиги манфаатларининг томирига болта уручи ўғри, агар баттарроқ бўлмаса, ўша жосус ва хоннинг ўзидир» (Сталин, Асарлар, 8 том, 154 бет).

СССРнинг Сталин Конституцияси ҳарбир совет гражданига социалистик мулкни қўриқлаш ва мустаҳкамлаш вазифасини юклади.

«СССРнинг ҳарбир граждани совет тузумининг муқаддас ва дахлсиз негизи, Ватан бойлиги ва қудратининг манбаи, барча меҳнаткашларнинг давлатли ва маданий турмушининг манбаи бўлган жамоат, социалистик мулкни сақлаши ва мустаҳкамлаши лозим.

Жамоат мулкига, социалистик мулкка қасд қилучи шахслар халқ душманларидир». (СССР Конституциясининг 131-нчи моддаси).

СССР Марказий ижроия комитети 1932 йил 7 август қонунини қабул қилди. Бу қонун социалистик мулкни муқаддас ва дахлсиз деб, бу мулкка қасд қилучиларни эса халқ душманлари деб э'лон қилди. Бу қонун социалистик мулкни мустаҳкамлашда тарихий роль ўйнади.

СССР Олий Совети Президиумининг 1947 йил 4 июньда чиқарган Фармони давлат ва жамоат мулкини ҳам, ғражданларнинг шахсий мулкларини ҳам ўғирлаганлик учун катта жиноий жавобгарлик чорасини белгилади.

Республикадаги суд органлари бу Фармонларни бажариш учун курашиб, ўғирлаш ва талон-торожларни камайтиришга муваффақ бўлдилар.

Аммо суд органларининг ба'зи ходимлари бу Фармонларнинг сиёсий моҳиятини тўғри тушуниб олмадилар. Улар ўзларининг амалий ишларида давлат ва жамоат мулкини ўғирлаган жиноятчиларга нисбатан муросачилик қилиб, жиноятчиларга енгил жазолар бермоқдалар.

Ба'зи суд органлари жиноий ишларни тергов қилиш ва қараб чиқишда сансалорликка йўл қўймоқдалар. Айрим судлар давлат ва жамоат мулкини ўғирлаганларнинг ва растрат қилганларнинг иши юзасидан ҳукм чиқарганлари ҳолда жиноятчиларнинг давлат ва жамоат ташкилотларига етказган зарарларини ундириб олиш чораларини кўрмайдилар.

Республикамиздаги область судларининг ишларида ҳам катта камчиликлар бор.

Адлия министрлиги ва унинг область бошқармалари айрим судларнинг ишларидаги камчиликларни йўқотиш учун етарли чора кўрмадилар.

Кўпгина суд ва прокуратура ходимлари ўғирлаш ва талон-торож қилишларни тугатиш учун жиноий жазо чораларини қўллабгина қолмай, бундай жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўриш ҳам зарур эканлигини етарли даражада пайқаб олгандарича йўқ. Жиноятнинг олдини олиш учун аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, совет қонунларини кенг тушунтириб бериш, моддий жиҳатдан жавобгар ва ҳисобдор кишиларнинг ишларини қаттиқ назорат қилиш, тафтиш ва контроль аппаратларининг ишларини яхшилаш керак, корхоналарда моддий бойликларни яхши қўриқлаш лозим. Хўжалик, савдо, кооператив ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар шундай ишлашлари керакки, бунинг натижасида ишончга сазовор бўлмаган шахслар давлат ва жамоат ташкилотларининг моддий бойликлари ва пул маблағларига сра ҳам яқин йўлатилмасин.

Ўртоқ Сталин бундай дейди: «Бунда бошқа тадбир, кўпроқ натижа берадиган, жиддийроқ тадбир кўрмоқ керак. Бу тадбир шундан иборатки, тевараатрофдаги халойиқ бундай ўғирларга умумий ма'навий бойқот э'лон қилиши ва нафрат кўзи блан қараши керак. Бу тадбир ишчи ва деҳқонлар орасида шундай бир кампания очиш ва шундай бир ма'навий шароит яратишдан иборатки, бу шароит ўғирликка имкон қолдирмайдиган, халқ мулкини ўғирловчи «хушчақчақ» ва «хушчақчақ бўлмаган» ўғирлар ҳамда талончиларнинг яшашини ва кун кўришини имконсиз қилиб қўядиган бўлсин» (8 том, 154 бет).

Халқ судларининг кўпчилиги халқ томонидан сайланган вакиллар эканлигини, халқ ишончига сазовор бўлишлари кераклигини ва совет қонунларини пухта бажаришлари кераклигини яхши тушунади.

Аммо сайловчиларнинг наказларини унутиб қўйган халқ судьялари ҳам йўқ эмас. Масалан, Самарқанд шаҳридаги Темирйўл районидаги 1-нчи участканинг собиқ халқ судьяси Адамов, Бухоро шаҳридаги 2-нчи участка халқ судьяси Баранов ва Деҳқонобод районидаги 1-нчи участка халқ судьяси Тошимовлар сайловчилардан ажралиб қолганлар. Улар халқ маслаҳатчилари ўртасида ҳеч қандай иш олиб бормаганлар, ўз ишларида совет қонунларини бузганлар.

Шунинг учун ҳам улар халқ судьялари вазифаларидан чақириб олинди.

1950 йил 20 августда Самарқанд шаҳридаги Темирйўл районининг 1-нчи участкаси, Бухоро шаҳридаги 2-нчи участка, Қашқадарё область, Деҳқонобод районидаги участка халқ судьяси, Термиз шаҳридаги 2-нчи участка халқ судьяси, Тошкент шаҳар, Сталин районидаги 3-нчи участка халқ судьяси ва Тошкент область, Калинин районидаги 1-нчи участка халқ судьяси сайланади. Бундан ташқари, янгидан ташкил этилган тўрт районда, я'ни Хоразм областининг Янгибозор районида, Бухоро область, Пушкин районида, Наманган область, Чортоқ районида ва Андижон область, Бўз районида халқ судьялари сайланади.

Халқ судьялари сайловлари уюшқоқлик блан, сиёсий жиҳатдан юксак савияда ўтказилиши лозим.

Сайлов олдидан агитация-пропаганда ишларини кучайтириш ва аҳолига совет қонунларини кенг тушунтириб бериш керак.

Сайловлар адлия органларидан халқ судларига раҳбарликни яхшилашни, халқ судининг обрўсини янада баланд даражага кўтаришни талаб этади.

Халқ судларига ўтказиладиган қўшимча сайловлар барча халқ судларининг ишларига кўрик бўлади. Барча халқ судьялари сайлов кампаниясида актив қатнашиб, ўз ишлари тўғрисида сайловчиларга ҳисоб беришлари ва ўз ишларидаги камчиликларни тугатишлари керак.

Ҳозирги вақтда социалистик мулкни қўриқлаш, давлат ва жамоат ташкилотларида растрат ва ўғирликка тамомила хотима бериш, қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилишига қарши шафқатсиз курашиш, колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш, хўжаликнинг ҳамма соҳаларида давлат ва меҳнат интизомини ҳартарафлама кучайтириш—суд органларининг жанговар вазифасидир.

Чинакам демократик суд бўлган совет суди ўзининг бутун фаолиятида ғражданларни Ватанга ва социализм ишига садоқат руҳида, совет қонунларини пухта бажариш руҳида тарбияловчи лозим.

Халқ судларига қўшимча равишда ўтказиладиган сайловлар суд органларининг ишларини кучайтиради. Халқ судларининг ҳисобот йиғилишларида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг кучайтирилиши айрим судлар ва халқ судьяларининг ишларидаги камчилик ва хатоларни йўқотишга шубҳасиз катта ёрдам беради.

В. УМАРОВ.

Ўзбекистон ССР Адлия министри.

Яхши ўсмаган ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, ҳамма ерда юқори ҳосил етиштирайлик!

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДА ҒЎЗА СУСТ ПАРВАРИШ ҚИЛИНАЁТИР

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Самарқанд область мухбиридан)

Областдаги илғор колхозларнинг а'золари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубига жавобан, август ойида ҳосилга ҳосил қўшиш учун ғўза парваришини янада кучайтириб юбордилар.

Жиззах районидаги Сталин номли, Чархин районидаги Карл Маркс номли ва бошқа ўнларча илғор колхозларнинг а'золари, Мактуб муҳокама қилинганидан кейин, янада зўр ғайрат билан ишга киришдилар. Сталин номли колхозда барча пахта майдонлари текшириб чиқилди. Ҳарбир участкадаги ғўзани алоҳида парвариш қилиш тадбирлари белгиланди. Стахановча тинчлик вахтаси кунларида илғариги кунларга қараганда 13—15 гектар кўпроқ ердаги ғўза чопиқ, культивация қилинмоқда. Ҳосил учун курашнинг етакчиси бўлган коммунист ўртоқ Орифжонова бошлиқ бригада а'золари тинчлик вахтаси кунларида 30 гектар ердаги ғўзани сифатли чопиб, культивациядан чиқардилар. Озарбайжон ССР Геокчай районидаги Калинин номли колхознинг ўртоқ Соня Алиева бошлиқ звеноси билан ҳар гектар ердан 80 центнердан пахта етиштириш ҳақида социалистик мусобақа шартномаси тузган Рашидота Ҳалилов звеноси стахановча вахтада туриб, август ойида ғўзани бир марта парваришдан чиқарди. Бу звенонинг 6 марта чопиқ ва 7 марта культивация қилингач, ўз вақтида чеканка ўтказилган ғўзаларининг ҳар тупида 20—22 тагача кўсак етилиб қолди. Иштиҳон районидаги «XVIII Партс'езд» колхозида яхши ҳосилга кирмаган 31 гектар ердаги ғўза алоҳида парвариш қилинди. Бу участкадаги ғўзаларга қўшимча равишда яна бир марта маҳаллий ва минерал ўғит берилиб, чуқур чопиқ ва культивация қилиниши натижасида олдинги ғўзалар қаторига етказиб олинди.

Аммо областдаги айрим районларда Ўзбекистон ҳукумати ва партия Марказий Комитетининг Мактубидан кейин ҳам иш сур'ати кўтарилмади. Мактуб муҳокама қилингач йиғилишларда катта мажбуриятлар олиб, қарорлар қабул қилинди. Лекин амалда деярлик ҳеч нарсада ўзгариш бўлмади. Августнинг биринчи бешкунлиги учун белгиланган чопиқ графиги фақат 65 процент бажарилди. Масалан, Пойариқ районида июль ойининг охирги бешкунлигида қараганда август ойининг биринчи бешкунлигида 770 гектар, Оқдар'ё районида 880 гектар ердаги ғўза кам чопилди. Шунингдек, ғўзани культивация қилиш юзасидан берилган топшириқ ҳам кам бажарилди. Кейинги бешкунликда ўтган бешкунликдагига қараганда Иштиҳон районида 2.050 гектар, Жомбой районида 1.500 гектар ердаги ғўза қатор оралари кам культивация қилинган. Чунки бу районларда «асосий иш бажарилди, ғўза ҳосилга киритилди» деб, уни парвариш қилишни тўхтатиб қўймоқдалар, ғўзанинг кўкига мағрурланиб, ҳосилга ҳосил қўшишни унутмоқдалар.

Жиззах район партия комитетининг секретари Тошпўлатов, район ижроия комитетининг раиси Жўраев ўртоқлар августнинг ойида ғўза парваришини кучайтириш ҳақида катта ва'далар берган эдилар. Ҳақиқатда эса колхоз далаларида иш бўшаштириб юборилди. Сўнгги бешкунликда июльнинг охирги бешкунлигига нисбатан 1.100 гектар ердаги ғўза кам чопилди. Чунки, далада ишловчиларнинг сони камайиб кетди, тракторларнинг иш унуми пасайди. Масалан, 2-нчи МТСга қарашли трактолар августнинг биринчи бешкунлигида ўрта ҳисоб билан 4 гектар ердаги ғўзани культивация қилдилар. Бу районда тракторларга тўсиқлар ўрнатилмаган. Ҳар куни 10—15 трактор арзимаган сабаблар билан бузилиб ётмоқда.

Оқдар'ё районидаги 2-нчи МТСга қарашли «универсал»лар ўтган бешкунликда мутлақо ишлатилмади деса бўлади. Ҳарбир «универсал» билан бажарилган иш ўрта ҳисоб билан 2 гектарга тўғри келади, холос. Бу районда бешкунда культивация қилиш сур'ати 1.000 гектарга пасайди. Шунга қарамасдан, район партия комитетининг секретари Умурзоқов, район ижроия комитетининг раиси Қурбонов ўртоқлар трактор культивацисини кучайтириш чораларини кўрмаётирлар. Бу районнинг колхозларида агротехника қоидалари бузилмоқда. Бурганли, Човка, Қоратухум қишлоқ советларидаги колхозларда ғўзалар чопиқ қилинмасдан, уст-устига суғорилмоқда. Культиватор ўрнига омоч ишлатилмоқда. Примкент қишлоқ советидаги Ильич номли, Янгиқўрғон қишлоқ советидаги «Большевик» колхозларида ғўзалар парвариш қилинмаганлиги орқасида, далани ўт босиб кетган.

Пахтакор районининг бирқанча колхозларида трактор ва от культиваторлари ўрнига омоч ишлатилмоқда. Қорадар'ё районидаги Охунбобоев номли, Пастдарғом районидаги «Ленинизм» ва бошқа колхозларда «ғўзани нобуд қиладиган» деган қолоқ фикр билан трактор культивациясини тўхтатиб қўйганлар. Каттақўрғон районининг Чимбой участкасидаги колхозларда ғўзалар яхши парвариш қилинмаганлиги орқасида ҳосилга кирмаган. Аҳвол шундай бўлгани ҳолда, район партия комитетининг секретари Багиров, район ижроия комитетининг раиси Қаюмов ўртоқлар чопиқ ва культивацияни кучайтиришга барча куч ва воситаларни сафарбар этиш ўрнига, айрим участкалардаги яхши ҳосил олган ғўзаларга қараб, «ҳосилимиз ўтган йилдагидан яхши» деб мағрурланадилар.

Ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсиши учун шу кунларда агротехника қоидалари асосида суғоришни тўғри ташкил этиш ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. Аммо областьнинг кўпчилик районларида суғориш қоидаси бузилмоқда. Эгатлар омоч билан саёз олиниб, ғўзалар бостириб суғорилмоқда. Метон районидаги «Пахта қаҳрамони», Пастдарғом районидаги «Қизил йўл», Пахтакор районидаги «Қизил ой» ва бошқа колхозларда ғўзалар уст-устига бостириб суғорилган.

Ҳосилни тўла сақлаб қолиш учун ҳашаротларга қарши кураш катта аҳамиятга эга бўлишига қарамай, областьнинг Қорадар'ё, Комсомол, Жомбой ва бошқа районларидаги колхозларда ҳашаротга қарши кураш тадбирлари ўз вақтида амалга оширилмаётир. Ҳосилни оширишда муҳим тадбирлардан бири бўлган ғўзани чеканка қилиш областьдаги пахта майдонининг энди ярмидагина ўтказилган. Ғўзани чеканка қилиш устидан амалий раҳбарлик қилинмаётир.

Самарқанд областида ҳосил учун курашни кучайтиришга қаратилган шошилинч тадбирлар кўрилиши керак.

Ғ. АШУРОВ.



Қорасув районидаги Калинин номли колхознинг стахановчи сувчиси Марҳамат Назарова ғўзаларни суғориш юзасидан берилган кундалик топшириқни ҳардоим ошириб бажармоқда. **Суратда:** ўртоқ **Назарова** ғўзаларга сув бермоқда.

М. Пенсон фотоси.

Совхоз пахтани машина билан теришга тайёрланмоқда

«Ўзбекистон ССР Бешйиллиги» совхозининг коллективи Чиноз районидаги 1-нчи МТС коллективининг ва шу райондаги илғор колхозларнинг пахтани машина билан теришга ўз вақтида тайёрланиш ҳамда бу муҳим ишни намунали ўтказиш тўғрисида республикадаги пахтакор колхозларнинг а'золарига, тракторчиларига, пахтакор совхозларнинг ишчилари ва мутахассисларига қарата чиқарган мурожаатини қизғин ма'қуллаб қутиб олди.

«Ўзбекистон ССР Бешйиллиги» совхозининг далаларида тўрт йилдан буён пахта териш машиналари синаб келинмоқда. Ўтган йили бу совхозда 5 машина ишлади.

Бу йил совхоз далаларида СХМ—48 деган 31 та машина ва 2 та ётиқ-шпинделли машина пахта теради. Коллектив пахтани машина билан теришга катта тайёргарлик кўрди.

Пахтаси машина билан териладиган участкаларда ҳамма агротехника тадбирлари пахтани машина билан териш талабларига мувофиқ ўтказилди. Чеканка 2 августда тамомланди. Ўтган йили ишлаган пахта териш машиналари ремонтдан чиқарилди, кўрак чувиш машиналарини ремонт қилиш тамом бўлай деб қолди. Ғўзаларнинг баргини сун'ий равишда тўкишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Совхозда пахта териш машиналарини ҳайдайдиган кўпгина кадрлар етиштирилди. Қодир Мақсудов, Анатолий Рачков, Иван Рибаков, Семён Майоров ва бошқалар шу жумладандир. Июль ойида совхозда пахта териш машинасини ҳайдовчилар учун курс ташкил қилинди. Бу курсда яна 36 киши ўқиди. Энг тажрибали механиклардан бири, коммунист ўртоқ Майоров старший механик қилиб тайинланди.

Коммунист механиклардан Николай Гореев, Андрей Артамчук ўртоқлар Чиноз районидаги 1-нчи МТС коллективининг мурожаати билан танишиб чиқиб, мавсум охиригача ҳарбир машина бир камида 50 гектар ердаги пахтани териш, кўрак чувиш машинаси билан ҳар сменада 6 тонна пахтани тозалаш мажбуриятини олдилар.

Совхоз ма'мурияти пахта териш машиналарининг узлуксиз ишлашини та'минлаш мақсадида, пахта теришда ишловчи механизаторлар коллективига автомобильлар, от-улов, кўчма устахоналар биркитиб қўйди. Ремонт ишчиларига партия а'зоси механик ўртоқ Пантелеев бошчилик қилмоқда. Совхозда машиналарга техник қаров графиги тузилди.

«Ўзбекистон ССР Бешйиллиги» совхозининг коллективи Чиноз районидаги 1-нчи МТС коллективининг ташаббусини қувватлаб, «Совой», «1-нчи Далварзин», «1-нчи Боёвут» ва «2-нчи Боёвут» совхозларининг ишчилари, механизаторлари ва мутахассисларини пахтани машина билан теришга яхши тайёрланиш ва бу ишни намунали ўтказиш юзасидан социалистик мусобақага чақирди.

Ғўзанинг кўкига қараб мағрурланмоқдалар

ХЕВА — Хоразм областининг энг йирик ва юқори ҳосилли районларидан бири. Хевада ҳар гектар ердан давлатга 25 — 30 центнердан пахта топширган илғор колхозлар жуда кўп.

Сталин қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда 1949 йил август ойида ҳамма ердаги ғўзалар ҳосил етилгунча узлуксиз парвариш қилинганлиги, шона, гул ва кўсакларининг ҳаммасини сақланиб, ҳосилга ҳосил қўшиш та'минланганлиги туфайли сентябрнинг бошларида пахтани ёппасига теришга киришилган эди. Натижада колхозда пахта тайёрлаш плани муддатидан илгари ошириб бажарилди, давлатга ҳар гектар ердан 26,5 центнердан пахта топширилди.

Колхоз а'золари бу йил мамлакатга янада кўпроқ пахта топшириш, гектаридан камида 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Колхозда бу мажбуриятни бажариш учун тегишли тадбирлар белгиланди. Колхознинг ҳамма звено ва бригадасида август ойида ғўзани ҳосил етилгунча парвариш қилиш иши қизитиб юборилди.

Аммо райондаги бирмунча колхозда ғўзанинг сўнгги парваришига етарли э'тибор берилаётгани йўқ. Кўпгина колхоз раислари ғўзанинг кўкига, бўйига қараб мағрурланиб, уни парвариш қилишга э'тиборсизлик билан қарамоқдалар. Бу эса ҳосилнинг талай қисмини қўлдан бой бериб қўйишга сабаб бўлмоқда.

Чиқирчи қишлоқ советидаги Наримонов номли колхоз ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажармаган, ҳосилни ошириш ўрнига камайтириб юборган эди. Колхоз раиси Хожиев ўтган йилги хатоларни такрорлаб, ғўзанинг кўкига қараб, унинг сўнгги парваришини тўхтатиб қўйган. Колхознинг Жуманиёз Зарипов бошлиқ 2-нчи бригадасида ғўзалар культивация ҳам, чопиқ ҳам қилинмасдан, қайта-қайта бостириб суғорилганидан ер қотиб қолган. Қўшни Тельман номли колхозда аҳвол янада ачинарли. Ғўзаларни ўт босиб кетган. Далада ҳечким кўринмайди.

Саёт қишлоқ советидаги Фрунзе номли колхозининг раиси Қодир Отажонов «ғўзаларимиз ўсиб кетган» деб, трактор культиваторини тўхтатиб қўйиб, от культиваторларини ҳам ишлатмаётир. Колхознинг 5-нчи бригадасида ўсишдан тўхтаб ётган паст ғўзалар кўп, бу бригаданинг Ойша Ғуломова бошлиқ звеносида ғўзанинг 3-нчи чопиғи ҳам тугалланмаган. Чуқур чопиқ қилиш ўрнига, ўроқ билан ўти ўрилган. Колхозда 265 гектар ғўзанинг учдан икки қисми қўшимча озиқлантирилмаган, 45 гектар ердаги ғўзани ўргимчаккана босган. Район пахтачилик бўлими ва МТС раҳбарлари ўртасида ҳам «бу йил ғўзамизнинг аҳволи ўтган йилгидан яхши» деган зарарли кайфият ҳукм сурмоқда.

Урганч район пахтакорлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубига жавобан, 1950 йилда давлатга ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар. Қоровул қишлоқ советидаги Сталин номли, Ғайбу қишлоқ советидаги Ленин номли, Юқорибоғ қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхозларда оширилган мажбуриятларни шараф билан бажариш учун август ойида ғўзаларни яна 2 марта парвариш қилинмоқда.

Лекин баъзи колхоз раҳбарлари партия ва ҳукуматимизнинг жанговар чақириғидан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмаганликларидан, август ойида ғўза парваришини тўхтатиб қўйганлар.

«Қизил аскар» колхозининг раиси Шержон Воисчонов культивация ва чопиқни тўхтатиб, ғўзаларга ёппасига бостириб сув қўйдирган, колхознинг Қўшчон Шарипов бошлиқ бригадаси эса сувсиз қолдирилган, натижада 2 гектар ердаги ғўзанинг шона ва гули тўкилган. Колхозда трактор культивацияси тўхтаб қолган. Колхоз раисининг ўзбошимчалиги орқасида, кетман чопиғи ўтоқ қилиш билан алмаштирилган. Колхозда меҳнатга қобилиятли 237 кишидан фақат 106 киши чопиққа ажратилган. Меҳнат интизомининг бўшлиги ва контрольнинг сустлигидан, буларнинг ҳам кўпчилигининг нормани бажармаётирлар. Колхозда график мавсум бошидан буён бажарилмаган, июльнинг охирги беш кунлигида чопиқ, культивация бутунлай тўхтатилган. Тожигул Қаландарова, Хожибиби Бекчонова ва Абди Каримовлар июль ойи давомида фақат 2—2,5 тадан меҳнат куни ишлаганлар, холос.

«Ғалаба» колхозининг Ражаб Худойберганов бошлиқ 4-нчи бригадасида 5 гектар, Киров номли колхознинг Амин Полвонов, Саттор Жабборов бошлиқ 2—3-нчи бригадаларида 7 гектар ғўза қаровсиз қолдирилганлигидан, гул ва шонасини тўкиб юборган. Бундай аҳволни «Қизил қолдуз», «Сталин йўли» ва Чапаев номли колхозларда ҳам учратиш мумкин.

Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари (район партия комитетининг секретари Ж. Еқубов, район ижроия комитетининг раиси Ж. Авазов ўртоқлар) илғор колхозлардаги ғўзаларнинг кўкига, бўйига ортиқча баҳо бериб, камҳосилли, камқувват колхозларни эсдан чиқармоқдалар. Ғўзанинг кўкига, бўйига қараб, унинг сўнгги парваришини тўхтатиб қўйиш — ҳосилнинг бир қисмини нобуд қилиш демакдир.

Ҳозир мўл ҳосил олиш учун ҳамма ишлар бажарилиб бўлди, энди пахта ғўзасидан етилаберади, деб хотиржам бўлишга асло ўрин йўқ!

«Қизил Ўзбекистон» рейд бригадаси: **М. Саидов** — Тошкент область, Калинин районидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи, текшириш бригадасининг а'зоси. **Р. Зокиров** — Тошкент область, Оржоникидзе район, Куйбишев қишлоқ советидаги Киров номли 2-нчи колхоз партия ташкилотининг секретари. **М. Ҳудойберганов** — «Қизил Ўзбекистон»нинг мухбири.

Йириклашган колхозда

Мажлис очилишидан илгари сада тарзида ўзаро суҳбат қизиб кетди. Ҳамма гап-сўз ўтган йил қўшни «Биринчи май» колхозида план нима учун бажарилмаганлиги устида борарди.

Ҳарким ҳархил фикрда. Кўзойнак тақиб олиб, катта кетманини эгавлаётган ўрта ёшли колхозчи бир зум машғулотидан тўхтаб, деди:

— Э, ҳамма ер — бир ер. Ахир, девор-дармиён қўшнимиз. Улар ҳам ишлашга роса ишлашди-ю, лекин катта колхозда гап кўп экан. Колхоз катта бўлса, ерлари кенг бўлса, НАТИ, дизельлар кўприк ҳатламай, ернинг жонини киргизиб ҳайдайберса! Ўйлаб кўринглар: мана, Жўрабой, ўзингиз ҳам шу ерда экансиз, айтинг. Пайкалларингиз жуда кичик, тракторчи муттасил бурув қилаберса, қандай қилиб иш юрсин!

У ҳам умид блан: фалончи гектар ерни ҳайдайман, нормадагидан бунча кам керосин сарфлайман, деб сўз беради, ўша калта бурув орқасида кўп ташвишланади. Универсалчининг иши ундан ҳам қийин! Буни ҳам майли денглар! Айирбошлаб экиш учун ер бўлмаслиги амри-маҳол! Қўшниларимиз ҳар йили бир ерга пахта экканн-экканн. Ўйлаш керак: ахир, кунда палов есанг, ме'данга урганидай, ернинг ҳам жонига тегди. Ер жонворни ҳам парвариш қилиб турсанг, қашлаб-қашлаб ҳосил олаберасан!

Даврада қўпгина киши ўтирар эди. Қўшни супада, гулзор ёнидаги шолчада ва ҳовуз лабида ўтирган кишилар «ҳосил олаберасан» деган сўзни эшитиб, бир зум жим бўлдилар. Ўрта ёшли колхозчи эса атрофга қараб олиб, сўзида давом этди:

— Бу ерда раисимиз кўринмаётир. Унга бундан икки йил илгари: ҳой Қодиржул, бир ариқдан сув ичсак, еримиз бир бўлсаю, нимага колхозимиз иккита, қўшилиб кетсак бўлмайдими? — дедим. Раис шунда вақти-соати келиб қолади, бир қишлоқ, бир колхоз бўламиз, деган эди. Мана, яхши ният ёрти мол дегандай, бугун бирга бўлишга йиғилиб қолипмиз. Қўшилсак, кўп улуғ иш бўлади. Бир жон, бир танмиз. Тўйимиз, ҳашамимиз бир. Кўпда барака.

☆

«Биринчи май» колхози блан Карл Маркс номли колхоз даласи бир-бирига туташ. Марказий коллекторнинг у томони — «Биринчи май», бу томони — Карл Маркс номли колхоз.

Бериги пайкал ғўзалари шиға кўсаклаган, нариги пайкал ғўзаларида эса ҳосил шохи кам: олди тупда энди иккита-учта кўсак бор.

Ҳар икки колхоз а'золарининг истаги блан, «Биринчи май» колхози Карл Маркс номли колхозга қўшилгач, умумий йиғилиш сайлаган янги правление аввало икки колхознинг хўжалигида ҳозир нималар бор ва нималар йўқлигини текшириб, рўйхатга олди. Кейин янги правление йириклашган колхоз хўжалигини ҳартарафлама ривожлантириш, биринчи галда дала ишларини дарҳол қизитиш режасини тузди.

Иккала колхоз бирлашгач, умумий пахта майдони 515 гектарга етди. Правление а'золари агроном ва тажрибакорлар блан бирга, барча ғўзаларни кўздан кечирдилар. 71 гектар ердаги ғўзани кам ҳосил, 63 гектар ердаги ғўзани эса ўртача амал олган деб ҳисобладилар.

Карл Маркс номли колхозга қўшилган «Биринчи май» колхози бу йил ҳаммаси бўлиб 120 гектар ерга чигит эккан. Яхши ҳосил олмаган ғўзалар асосан шу колхознинг участкасида. Ишчи кучи ва қишлоқ хўжалик асбоблари кам. Давлат йўли блан катта ёрдам берилса ҳам, кўп йиллар планини бажармай келаётган бу колхоз Карл Маркс номли колхозга қўшилгандан сўнг бир бутун катта рўзғор бўлди. Ҳар икки колхоз а'золари бир жон, бир тан бўлиб, камҳосил ғўзаларни серҳосил қилиш, шу ой ичи ҳосилга ҳосил қўшиш учун курашни қизитиб юбордилар.

Илгари «Биринчи май» колхозида фақат иккита от культиватори бор эди. Карл Маркс номли колхозга қўшилгандан кейин бу участкада 14 та от культиватори ишлайбошлади. Бригада ва звенолар мустаҳкамланиб, ишчи кучи етарли бўлди. Камҳосил ғўзаларни алоҳида парвариш қилиш яхши йўлга қўйилди.

Тошкент область, Сирдар'ё районидаги Карл Маркс номли колхоз ўтган йил 370 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 30 центнердан пахта топширган эди. Бу йил янги ерлар ҳисобига пахта майдони кенгайди. Колхоз а'золари бу йил 415 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олган эдилар. «Биринчи май» колхози қўшилгандан кейин, колхоз а'золари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Коммунист (большевиклар партияси Марказий Комитетининг Мактубига жавобан, август ойида ҳосилга ҳосил қўшиш учун курашни янада қизитиб, ҳар гектар ердан давлатга 50 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Ҳозир колхозда ҳосилга ҳосил қўшиш учун кураш қизғин бормоқда. Пахта далаларида учта «универсал», 32 та от культиватори тўхтовсиз ишлаб турипти. Колхознинг 340 а'зоси кундалик топшириқни бир ярим-икки ҳисса қилиб бажараётир.

Биз колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ Султонов блан суҳбат қилдик. У, Карл Маркс номли колхоз йириклашгандан сўнг ҳосилга ҳосил қўшиш учун кураш янада қизиб кетганлигини айтди. Колхознинг истиқболи ҳақида гапирди.

Бу йил колхоз янги участкасида колхозчилар учун жуда кўп тураржой қуради. Колхоз ўрнашган Верхни-Волинск қишлоғи яқин бир-икки йил ичида қайта қурилиб, атрофи кенг пахтазор, боғи-рогли, маданий, янада ободон қишлоққа айланади.

Т. АБДУВАЛИЕВ.
С. МАҲКАМОВ.

Хавфсизлик Советининг 8 августдаги мажлиси

НЬЮ-ИОРК, 8 август. (ТАСС). Англия вакили Жебб америка ва гоминдан вакилларининг Ли Син Ман вакилини дарҳол мажлисга чақириш тўғрисидаги таклифини қувватлади.

Жебб, Хавфсизлик Советининг раиси агар истаса вето ҳуқуқидан фойдаланиб бу таклифни тақиқлаши мумкин, деди. Жебб ўз сўзининг охирида, агар Малик бу да'ватга қулоқ солмаса, мен (я'ни Жебб) мажлисни кечиктиришдан бошқа ҳечқандай йўл борлигини кўрмайман, деди.

Малик Жеббга жавоб бериб бундай деди: Жебб, Хавфсизлик Совети раисни бирон қарор чиқаришга мажбур этаолмайди, деб «ишонтирарли қилиб уқдириб ўтди», аммо америка делегацияси блан гоминдан тўдаси Хавфсизлик Совети раисига таз'йиқ қилиб, уни қарор чиқаришга мажбур этмоқчи бўладилар.

Малик Жебб сўзига тузатиш киргизиб, Хавфсизлик Совети раисига вето ҳуқуқи берилмаганлигини айтди.

Юз берган аҳволга келсак, — деди Малик, — Совет Иттифоқи шуни кўрсатиб ўтдики, Хавфсизлик Совети Жанубий Қурия вакилини мажлисга чақириш тўғрисида 25 июньда чиқарилган қарор ўз кучида қоладими ёки йўқми деган масалани овозга қўйиши мумкин. Бу — жуда равшан таклифдир, — деди Малик. — Агар Хавфсизлик Совети бу таклифни овозга қўйишни истаса, раис буни қилиши мумкин, Малик, мажлисни кечиктириш тўғрисида ҳам таклиф киргизилиши мумкин, бу таклиф биринчи навбатда овозга қўйилади, албатта, деди.

Жебб сўзидан кейин америка вакили Остин нутқ сўзлаб, Қуриядаги америка агрессиясини «оқлапга» уринди ва Хавфсизлик Советини 31 июльда ғайри қонуний равишда чақирилган мажлисда Остиннинг ўзи томонидан киргизилган резолюцияни тезроқ муҳокама қилабошлашга чақирди. Бу резолюция Қуриядаги урушни чўзишни кўзда тутади. Остин Маликни айблаб, у Хавфсизлик Советининг раиси мансабидан мазкур резолюциянинг қабул қилинишига халақит бериш учун фойдаланаётир, деди.

Остин, Шимолий Қурияни агрессор деб атаб, жанубий қуриялилар ўзларини босқинчиликдан ҳимоя қилаётирлар, деб да'во қилди. Сўнгра Остин «Шимолий Қуриянинг бостириб кирган армиясини чақириб олиш учун кимнинг та'сири ёки кучи бор?» деб савол берди. Остин айтдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жанубий Қурияга ёрдам бераётган 53 а'зоси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставидаги принципларни қувватлайдилар ва бу принципларни ҳимоя қиладилар, бу а'золар орасида, — деди у, — Совет Иттифоқи йўқ.

Сўнгра Остин тажанг бўлиб, «Бу ҳолда Хавфсизлик Совети а'золаридан ким агрессорга ёрдам бераётир» деб савол берди ва сўнгра «Совет Иттифоқи» деб жавоб қайтарди. Остин Хавфсизлик Совети раисининг тутган йўлини «ишга халақит беришни кўзда тутган» йўл деб атаб, Хавфсизлик Советининг мажлисини гўё Совет Иттифоқи вакилига Москва блан алоқа қилиб, «бирор қарор қабул қилишга ёрдам бераётган» қўлланма олиш имкониятини бериш мақсадида 10 августгача кечиктиришни таклиф этди. Сўнгра Остин, Хавфсизлик Советининг бошқа а'золари Хавфсизлик Советига Уставда юклатилган вазифаларини бажариш имкониятини бериш учун қандай чоралар кўриш кераклиги масаласини ҳал қилиш ниятида келгуси мажлисгача, я'ни 10 августгача ўзаро маслаҳатлашишлари зарур, деди.

Малик совет вакили сифатида гапириб, бундай деди: Остин ўз айбини бошқа бир кишига тўнкамоқчи бўлиб уринади, чунки ишга халақит бериш ва уни пайсалга солиш тактикасини айни Остин блан унинг энг итоатли малайи гоминдан вакили қўлланаётирлар. Бунинг сабаби шуки, — деди Малик, — американинг ҳукмрон доиралари тинчликни истамайдилар, балки урушни истайдилар ва урушга тайёрланиш учун яна миллиардларча доллар маблағ сарфламоқдалар.

Совет делегацияси, — деди Малик, — шундай йўлни топишга ҳаракат қилаётирки, бу йўл Қурия жанжалида қатнашаётган ҳар иккала томонга Хавфсизлик Советида ўз фикрини баён қилиш имкониятини бериши керак.

Малик бундай деб савол берди:

Масалани шу ҳилда ҳал этишга ким халақит бераётир, масаланинг шу ҳилда ҳал этилишига қарши чиқишда ким айбли?

Ва бундай деб жавоб берди:

Қўшма Штатлар айблидир.

Малик уқдириб ўтдики, Совет Иттифоқи Қурия масаласининг адолатли ҳал қилинишига интилмоқда, америка делегацияси эса Хавфсизлик Советини ва жаҳон афкор оммасини чалғитишга уринмоқда. Совет делегацияси,— деди у,—америка резолюцияси тўғрисидаги фикрини илгари баён қилган эди. Америка вакилининг фикрича, бу резолюция Қурия жанжалининг бошқа жойларга ёйилишига йўл қўймасликни кўзда тутар эмиш. Совет Иттифоқининг фикрича, америка резолюцияси ҳақиқатда агрессияни янада авж олдиришга, қурия халқининг саноатини ва маданиятини хароб қилишга қаратилгандир. Америка солдатлари, — деди Малик,— Қурия ерларини пайхон қилмоқдалар, америка учучилари қурия халқини ваҳшийларча бомбардимон қилмоқдалар. Бу Қурия халқ-демократик республикасининг мурожаатида батафсил баён қилинган.

Хўш, ким агрессор, Қурияда ким уруш олиб бораётир? деб сўради Малик ва бундай деб жавоб берди: равшанки, америка ҳукумати агрессордир, америка вакилининг ҳечқандай найранглари ва баланд парвоз гаплари фактларни жаҳон афкор оммасидан яшираолмайди.

Сўнгра Малик айтдики, совет делегацияси тинчлик учун курашиш, тинчликни ҳимоя қилиш ва Қурия масаласини низо'да қатнашучи ҳар икки томон вакиллари иштироки блан адолатли муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ҳар икки томоннинг Хавфсизлик Советида ўз фикрларини баён қилишига имконият бериш учун курашиш тўғрисида қўлланма олди. Масаланинг адолатли муҳокама қилиниши, — деди Малик, — Хитой халқ ҳукумати вакилининг иштирок қилишини ҳам талаб этади. Америка делегацияси ва унинг шериклари бунга қарши чиқмоқдалар, — деди Малик,— америка делегацияси ҳарҳил найранглар ишлатиш учун ўзига фурсат берилишини истайди. Америка делегацияси шу блан ҳақиқатни яшириб, ўз шерикларини Қўшма Штатлар фикрига кўндириб, уларни Қўшма Штатлар тилагига мувофиқ овоз беришга мажбур этиш учун вақт берилишини ҳал қилади. Совет делегацияси мажлиснинг кечиктирилишига эҳтиёж сезмайди ва масалани дарҳол овозга қўйишга тайёрдир. Лекин бунинг учун америка делегацияси ўзининг ишга халақит бериш методларидан воз кечиши, Уставни масхара қилишни тўхтатиши ва Хавфсизлик Советида Қурия масаласининг адолатли муҳокама қилинишига рози бўлиши шарт. Бунинг учун низо'да қатнашучи ҳар икки томоннинг иштирок қилиши зарур. Американинг ишга халақит бериш тактикаси, — деди Малик,—Хавфсизлик Советининг Қурия масаласини тинч йўл блан ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда.

Малик Хавфсизлик Совети мажлисини 10 августгача кечиктириш тўғрисидаги америка таклифига қарши чиқди, Қурия халқ-демократик республикасининг норозилигини дарҳол кўриш зарур бўлганлиги сабабли, мажлисни 9 августда чақиришни таклиф этди. Совет Иттифоқи бу масала юзасидан қарор лойиҳаси тақдим этади,—деди Малик,—ва «Америка авиациясининг Қуриядаги тинч аҳолини, шаҳарларни ва аҳоли яшаб турган районларни ваҳшийларча шафқатсиз бомбардимон қилиши» сарлавҳали совет резолюция лойиҳасини ўқиб берди. Бу резолюцияда бундай дейилади: «Америка авиациясининг Қурияда тинч аҳолини ва тинч шаҳарларни ҳамда аҳоли яшаб турган жойларни ваҳшийларча шафқатсиз бомбардимон қилаётганлигига қарши Қурия халқ-демократик республикаси ҳукуматининг норозилигини муҳокама қилиб;

америка қуролли кучларининг Қурия шаҳарлари ва қишлоқларини бомбардимон қилиши бу шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилаётганлигини ҳамда тинч граждан аҳолисини қўллаб қираётганлигини, бу эса ҳамма э'тироф қилган халқаро ҳуқуқ қоидаларини қўпол равишда бузиш эканлигини э'тироф этиб;

Хавфсизлик Совети қарор қилади:

Америка Қўшма Штатлари ҳукуматига Қурияда шаҳарларни ва аҳоли яшаб турган пунктларни авиация блан ва бошқа йўллар блан бомбардимон қилишни, шунингдек тинч аҳолини ҳаводан ўққа тутишни тўхтатиш ва келажакда бунга йўл қўймаслик таклиф этилсин;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретариға Хавфсизлик Советининг бу қарорини Америка Қўшма Штатлари ҳукуматига шошилинч равишда билдириш топширилсин».

Малик мажлисни ёпишни ва Хавфсизлик Советининг мажлисини Э августда чақиришни таклиф этди. Малик, келгуси мажлисни қачон чақириш кераклиги ҳақида икки таклиф, я'ни америка ва совет таклифлари бор, деди.

Уша вақтда Эквадор вакили Кеведо америка делегациясига эргашиб, Малик Хавфсизлик Советининг иш тартибини бузди, Ли Син Ман тўдаси вакилини мажлисга чақириш тўғрисидаги таклиф юзасидан қарор қабул қилишдан бош тортди, деб да'во қилиб чиқди. Кеведо, Хавфсизлик Советининг келгуси мажлисида Эквадор вакилига биринчи бўлиб сўзга чиқишга рухсат берилсин, деб сўради.

Малик америка вакилининг келгуси мажлис 10 августда чақирилсин деган резолюциясини овозга қўйди. Совет Иттифоқи вакили бу резолюцияга қарши овоз берди. Югославия вакили овоз беришда бетараф қолди. Хавфсизлик Советининг бошқа а'золари америка резолюциясини ёқлаб овоз бердилар. Шундай қилиб, Хавфсизлик Совети а'золарининг Қўшма Штатлар та'сиридаги кўпчилиги шошилинч равишда кўрилиши лозим бўлган Қурия масаласини яна муҳокама қилишни 10 августгача кечиктиришга қарор қилди.

Дания ҳукумати исте'фо берди

КОПЕНГАГЕН, 9 август. (ТАСС). Ҳукуматнинг зўр бериб қуролланиш блан боғлиқ харажатлар учун маблағ сафарбар қилишга қаратилган тадбирларини оппозициячи партиялар қувватламаганлиги сабабли, ҳукумат исте'фо беришга қарор қилди.

Бош министр Хедтофт бугун эрталаб соат 5 дан 30 минут ўтганда бу ҳақда фолькетинг (парламент қуйи палатаси)нинг кечадан буён давом этаётган мажлисида ахборот берди.

Хедтофт, ҳукумат фолькетингга янги сайлов ўтказишга қарор қилди, деди.

Риксдагнинг 8 августда очилган фавқулодда сессиясига ҳукумат бирқанча қонун лойиҳалари қиргизди. Бу қонун лойиҳалари қуролланишни кучайтиришга ва валюта балансини беришга қаратилгандир. Ҳукумат қуролланиш учун фавқулодда тартибда 430 миллион крона маблағ ажратишни сўради ва 200 миллион кроналик «мудофаа солиғи» ҳамда 150 миллион крона миқдорида алоҳида солиқ жорий қилишни таклиф этди. Бундан ташқари, ҳукумат тамаки, кондитер моллари, спиртли ичимликлар, қоғоз, бензин ва бошқа шу каби моллардан солинадиган солиқ миқдорини келгуси молия йилининг охиригача жам'и 325 миллион крона кўпайтиришни, ниҳоят, чет мамлакатлардан мол келтиришни 280 миллион крона камайтиришни таклиф этди.

Юқорида айтилган зўр бериб қуролланиш планларига келганда, икки опозициячи катта партия — «Венстре» партияси бл

Қуриядаги воқиалар

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 9 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун эрта билан қуйидагиларни билдирди: Халқ армияси қўшинлари барча фронтларда америка қўшинлари ва қўғирчоқ лисинманчи қўшинлар пиёда аскарлари, артиллерия, танк ва мотомеханикалаштирилган қисмларининг қаршилигини енгиб, илгари силжишни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг Гуньи (Гун И)ни озод қилган ва жанубга томон ҳужумни давом этдираётган қисмлари Гуньининг жанубида қаттиқ қаршилик кўрсатган душманни тор-мор келтирдилар. Халқ армияси қисмлари бу жангда душманнинг кўп солдат ва офицерларини асир олдилар. 35 автомашина ва бошқа ўлжалар қўлга туширилди. Душманнинг озиқ-овқат, ёнилғи, снарядлар ва бошқа анжомлар ортилган темир йўл составлари яксон қилинди.

Фронтнинг бошқа участкасида Халқ армиясининг авиацияси ва зенит қисмлари Халқ армияси қўшинларининг ҳужумига тўсқинлик қилган 14 америка бомбардимончи ва қируғи аэропланини уриб туширдилар. Шарқий қирғоқ районида душманнинг 18-нчи пиёда аскарлар полкини, мотомеханикалаштирилган полкини, артиллерия дивизионини ва бошқа қисмларини тор-мор келтирган Халқ армияси қўшинлари ҳужумни давом этдириб, қўғирчоқ лисинманчи армиянинг Сеул дивизияси деб аталган дивизиясининг 1-нчи ва 16-нчи полкларини кириб ташладилар ва уларнинг бир қисмини асир олдилар. Катта ўлжалар қўлга туширилди.

ПХЕНЬЯН, 9 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 9 август кечқурун қуйидагиларни билдирди:

Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда душманнинг қаттиқ қаршилигини енгиб, жангларни давом этдирдилар.

Халқ армияси қўшинлари жанубий қирғоқ районида америка пиёда аскарлари қисмларининг 10 танк ёрдами билан бирнеча марта қилган қарши атакасини қайтардилар.

Халқ армиясининг бу районда ҳужум қилаётган қисмлари қўғирчоқ лисинманчи қўшинларининг денгиз десанти туширши йўлидаги ҳаракатларига қаттиқ ўт очиб зарба бердилар. Душманнинг бир ҳарбий кемаси ботирилди. Бошқа бир ҳарбий кема яшириниб кўздан ғойиб бўлди.

8 августда американинг тўрт моторли 11 бомбардимончи аэроплани Пхеньянга яна ваҳшийларча ҳужум қилди. Бу ҳужум натижасида кўпгина уй-жой бинолари вайрон қилинди. Граждан аҳолиси ўртасида қурбонлар бор.

ҚУРИЯДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА РЕЙТЕР АГЕНТЛИГИ МУХБИРИНИНГ ХАБАРИ

ЛОНДОН, 9 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Қуриядя Макартур дала штаби ҳузурида бўлган мухбири хабар беради: бугун америка қўшинлари Нактонган (Рақуто-Ко) дар'ёсидан ўтган Шимолий Қурия қўшинларининг мазкур дар'ё ёқасидаги истеҳкомларига қарши атака бошладилар.

8-нчи америка армияси вакилларининг айтишига қараганда, Шимолий Қурия қўшинларининг Егвань (Икан)дан жанубда Нактонган дар'ёсидан ўтишлари «катта аҳамиятга эга эмас».

Мухбирнинг хабарига кўра, Гуньи (Гун И) дан шимолдаги районда бугун аҳвол ўзгармаган. Аммо 8-нчи америка армияси вакилларининг фикрича, шимолий қуриялилар Гуньи районида ўз қўшинларини жанубда Нактонган дар'ёсидан ўтган қўшинлари билан бирлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

ШИМОЛИЙ ҚУРИЯ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИГИ

ПХЕНЬЯН, 9 август. (ТАСС). Пхеньян радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Қурия халқ-демократик республикасининг шимолий қисмидаги хотин-қизлар Халқ армияси учун танк ва аэропланлар қуриш фондига маблағ тўплаш ҳаракатини кучайтирдилар. Шимолий Хамген вилоятидаги хотин-қизлар бу фондга 4 миллион 600 минг вон нақд пул ва кўп миқдорда олтин буюмлар топширдилар.

Стокгольм Мурожаатига 273 миллион киши қўл қўйди

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ЖАҲОН КОНГРЕССИ ДОИМИЙ КОМИТЕТИНИНГ АХБОРОТИ

ПАРИЖ, 9 август. (ТАСС). Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгрессининг Доимий Комитети Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш кампаниясининг бориши масаласи ҳақида Комитет раиси Фредерик Жолио-Кюринин ахборотини матбуот вакилларига топширди.

Шу кунларда, — дейилади ахборотда, — Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг шу йил 19 мартда Стокгольмда чиқарган Мурожаати ҳақида дун'ёдаги ҳамма мамлакатларда гапирилмоқда. Бу Мурожаат атом қуролини сўзсиз тақиқлашни, бу тақиқлашнинг амалга оширилишини та'минлаш учун қаттиқ халқаро назорат ўрнатилишини ва бу қуролни биринчи бўлиб ишлатувчи ҳукуматни ҳарбий жиноятчи деб қоралашни талаб этади.

Бутун дун'ёда ўтказилаётган, ба'зи мамлакатларда эса эндигина бошланган кампаниянинг уч ойи давомида Стокгольм Мурожаатига ҳозиргача 273.470.566 киши қўл қўйди.

Сўнгги ахборотда айтилишича, Комитет томонидан олинган ма'лумотларга кўра, Мурожаатга чекилган имзо қуйидагича тақсимланади: Албанияда 620 минг, Жазойирда 266 минг, Ғарбий Германияда 2 миллион, Германия демократик республикасида 17 миллион 46 минг, Аргентинада 1 миллион, Австралияда 50 минг, Австрияда 578.578, Бельгияда 153.060, Бирмада 1 миллион, Боливияда 20 минг, Булғорияда 5.801.346, Камерунда 22 минг, Канадада 300 минг, Чилида 50 минг, Хитойда 44 миллион, Колумбияда 50 минг, Қурияда 5 миллион 680 минг, Коста-Рикада 4 минг, Фил суяги соҳилида 50 минг, Кубада 400 минг, Данияда 100 минг, Мисрда 12 минг, Ирландияда 1.200, Эквадорда 20 минг, Испанияда (муҳожирлардаги испанлар) 284.995, Америка Қўшма Штатларида 1 миллион 350 минг, Финляндияда 616.248, Францияда 12 миллион, Англияда 790.277, Франция Гвинеясида 10 минг, Юқори Вольтада 50 минг, Голландияда 229.067, Венгрияда 7 миллион 500 минг, Ҳиндистонда 127.389, Эронда 25 минг, Исландияда 5 минг, Исроил давлатида 261.750, Италияда 14.631.523, Японияда 1 миллион 345 минг, Реюнионда 20 минг, Ливанда 56 минг, Люксембургда 7 минг, Марокашда 19.581, Мўғулистон халқ республикасида 686.782, Нигерияда 12.500, Норвегияда 50 минг, Филиппинда 50 минг, Польшада 18 миллион, Румонияда 10.046.670, Саарда 2.600, Сенегалда 25 минг, Франция Суданида 30 минг, Швецияда 250 минг, Швейцарияда 150 минг, Сурияда 60.500, Чадда 16.500, Чехословакияда 9 миллион 500 минг, Триестда 50 минг, Тунисда 50 минг, СССРда 115.275.940, Уругвайда 50 минг, Венецуэлада 12 минг.

Бу рўйхатга, — дейилади сўнгра ахборотда, — ҳозиргача маълумот юборилмаган Цейлон, Кипр, Индонезия, Ироқ, Мексика, Непал, Янги Зеландия, Покистон, Перу, Порто-Рико, Туркия, Жанубий Африка Иттифоқи, Вьетнам каби мамлакатларни қўшиш зарур. Бу рақамлар турли миллий комитетлар тўплаган ва Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгрессининг Доимий Комитетига топширилган дастлабки маълумотлардир.

«Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш кампанияси, — дейилади ахборотда, — дун'ёдаги ҳамма мамлакатларда ўтказилмоқда. Ҳозирги вақтда бу кампания 75 дан ортиқ мамлакатда давом этиб турибди. Агар Мурожаатга асосан катта ёшдаги кишиларгина қўл қўйганлигини эътиборга олсак, Мурожаатга умуман 600 миллион киши қўшилди деб ҳисоблаш мумкин, бу эса ер юзидаги аҳолининг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил қилади.

Мурожаатга қўл қўйган кишилар орасида ҳамма мамлакатлардаги турли мактабда бўлган, турли динга мансуб ва ижтимоий аҳволи турлича бўлган кишилар бор.

Биз мурожаатга қўл қўйган ҳамма кишиларни табриклаймиз, уларнинг бу ташаббуси атом қуролидек агрессия қуролини ва одамларни кўплаб қирадиган қуролни тақиқлаш учун олиб борилаётган курашга катта ҳиссадир.

Биз шу мақсадга эришиш учун курашни давом этдиришга ва кучайтиришга чақирамиз.

Атом қуролини тақиқлаш халқаро аҳволдаги кескинликни камайтириш йўлида муҳим ўрин тутади. Атом қуролининг тақиқланиши ҳозирги вақтда жиддий хавф остида қолган тинчликни ҳимоя қилаолади ва қилиши лозим».

СОВЕТ ХАЛҚИ ТИНЧЛИҚНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИШИГА ЖУДА КАТТА ҲИССА ҚЎШМОҚДА

УЛАН-БАТОР, 9 август. (ТАСС). «Унэн» газетаси тинчликни ҳимоя қилувчи Совет Комитетининг Совет Иттифоқида Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш якунлари тўғрисидаги ахборотига бағишлаб бошмақола чиқарди.

Газета бундай деб ёзади: СССР да Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш кампаниясининг якунлари жаҳон миқёсида жуда катта аҳамиятга эга бўлган воқиадир. Тинчлик тарафдорларининг қудратли халқаро лагерига бошчилик қилаётган улуғ совет халқи Стокгольм Мурожаатини яқдиллик билан ма'қуллаб, бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига янгидан жуда катта ҳисса қўшди.

Мақолада яна бундай дейилади: атом бомбаси ишлатишни қоралаб, тинчликни яқдиллик билан ҳимоя қилган совет халқининг қудратли овози бутун дун'ёга жаранглаб эшитилди. Бутун дун'ёда тинчлик учун курашчиларга етакчилик қилаётган совет халқининг фидокорона кураши барча мамлакатлардаги тинчлик тарафдорларини янада кўпроқ илҳомлантиради ва уларнинг сафини мустаҳкамлайди, енгилмас қудратли тинчлик фронтини мустаҳкамлайди.

ИНГЛИЗ-АМЕРИКА ИМПЕРИАЛИСТЛАРИ ЯНГИ АВАНТЮРАЛАР ПЛАНИНИ ТАЙЁРЛАМОҚДАЛАР

ПРАГА, 9 август. (ТАСС). Телепресс агентлиги билдиради: ҳозирги вақтда Коломбада (Цейлон ороли) Британия империясидаги мамлакатлар вакилларининг конференцияси ўтказилмоқда. Бу конференцияда Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларига иқтисодий «ёрдам» бериш тўғрисидаги масала муҳокама қилинмоқда. Бу конференция Англия сиёсатининг Вашингтон сиёсатига қарам эканлигини яна бир марта тасдиқлайди.

Британия империяси мамлакатларининг Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларига «ёрдам» бериш плани шу йил май ойида Британия империяси мамлакатлари ёки улар тили билан айтганда, «Миллатлар ҳамкорлиги» мамлакатлари вакилларининг Сиднейда ўтказилган конференциясида тайёрланган эди. Аммо Сиднейда ўтказилган конференция вакиллари, «Миллатлар ҳамкорлиги олдида турган вазифалар унинг ёлғиз ўзи учун жуда каттадир» ва бу вазифаларни бажариш учун Қўшма Штатларни жалб этиш керак, деб қарор қилган эдилар. Бу соҳадаги қийинчилик шундан иборат эдики, тегишли баҳона топиш керак эди. Англия ўз обрўсига камроқ зарар етказиб, ана шу баҳона воситаси билан «Миллатлар ҳамкорлиги» планларини амалга ошириш юзасидан раҳбарлик ишларини Америка Қўшма Штатлари ихтиёрига топшириши керак эди.

Бу чорани амалга ошириш зарур эди, чунки Америка Қўшма Штатларининг давлат департаменти Сиднейда белгиланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан раҳбарлик ишлари Америка Қўшма Штатлари ихтиёрига топширилган тақдирдагина «ёрдам» беришга рози бўлган эди.

Коломбада бўлаётган ҳозирги конференциянинг қатнашчилари узоқ мулоҳазадан кейин, қийин аҳволдан чиқиш йўлини топдилар. Улар «Миллатлар ҳамкорлиги»нинг ана шу «ёрдами»да қатнашишга «ҳамма мамлакатлар»ни таклиф этдилар. Эндиликда маълум пландан «Миллатлар ҳамкорлиги» сўзлари чиқариб ташланади ва бу план «Жанубий ва Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларига техника жиҳатидан ёрдам бериш плани» деб аталади.

ҚУРАШАЁТГАН ҚУРИЯ ХАЛҚИ БЛАН АЛБАНИЯ ХАЛҚИНИНГ БИРДАМЛИК ҲАФТАСИ

ТИРАНА, 9 август. (ТАСС). Албания телеграф агентлиги билдиради: кеча курашаётган қурия халқи билан бутун мамлакатда Бирдамлик ҳафтаси ўтказилабошланди. Албания бирлашган касаба союзлари Марказий совети Жаҳоч касаба союзлари уюшмасининг чақиғига мувофиқ, бу ҳафталикни ўтказмоқда.

«Зери и популит» газетаси бошмақоласида шу тўғрида қуйидагиларни ёзади:

Албания халқи америка империалистлари ва уларнинг шериклари томонидан қурия халқига қарши қилинаётган қабиҳ агрессиядан қаттиқ ғазабланмоқда. Бизнинг халқимиз бутун дун'ёда тинчлик ва демократия учун курашаётган ва америка агрессиясига қарши қаттиқ норозилик билдираётган кўп миллионларча кишиларнинг овозига ўз овозини қўшади.

Бутун дун'ё мамлакатларининг меҳнаткашлари Қуриядаги интервенцияни тўхтатишни, қурия халқига озодлик, мамлакатда осойишта ҳаёт кечириш имконияти берилишини, америка қўшинларининг Қуриядан дарҳол олиб кетилишини қат'ий талаб қилмоқдаларки, бизнинг халқимиз бу Бирдамлик ҳафтасида ана шу талабларнинг амалга оширилиши учун курашда бутун дун'ё меҳнаткашлари билан бирлашади.

ПОКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ УЮШМАСИ РАҲБАРЛИГИНИНГ МАЖЛИСИ

КАРАЧИ, 9 август. (ТАСС). «Покистон таймс» газетаси хабар беради: Лахорда Покистон касаба союзлари уюшмаси раҳбарлиги Муҳаммад Иброҳим ранслигида мажлис қилди. Мажлисда ички ва халқаро аҳволга доир масалалар муҳокама қилинди.

Уюшманинг бош секретари Муҳаммад Афзал Покистонда ишчилар синфининг аҳволи тўғрисида доклад қилди. Докладчи ишчилар ҳаракатининг кучайганлигини кўрсатиб, кейинги уч ой давомида ишчиларнинг аҳволи анча ёмонлашганлигини, Қуриядаги воқиалардан чайқовчилар кенг истеъмол молларининг нархини ошириш учун фойдаланганликларини, натижада иш ҳақи ҳозиргидек кам бўлган бир вақтда ишчиларнинг кун кечириши оғирлашганлигини айтди.

Уюшма раҳбарлиги мажлисда қабул қилинган резолюцияда Қуриядаги америка агрессиясини қоралади ва Покистон ҳукуматининг Хавфсизлик Советида Қурия масаласи юзасидан чиқарилган резолюцияни қувватлаш тўғрисидаги қарорини қоралади.

Уюшма раҳбарлиги Хавфсизлик Совети раиси Маликка телеграмма юбориб, ундан америка империалистларининг ва уларнинг шерикларининг Қуриядаги ёвузликлари тўғрисидаги масалани Хавфсизлик Советининг кун тартибига киргизишни сўрашга қарор қилди.

Уюшма раҳбарлиги яна бир резолюциясида Покистонда «жамоат хавфсизлигини сақлаш тўғрисидаги тескарични қонун» татбиқ қилинишига қарши норозилик билдиради. Бу қонун барча демократик эркинликларни инкор этади.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ТАРАҚҚИПАРВАР ПАРТИЯСИ МИЛЛИЙ КОМИТЕТИ СЕКРЕТАРИНИНГ БАЁНОТИ

НЬЮ-ИОРК, 9 август. (ТАСС). Америка Қўшма Штатлари тараққийпарвар партияси Миллий комитетининг секретари Болдуин қуйидаги хабарни эълон қилди: тараққийпарвар партиянинг ҳозирги вақтда ишлаб турган ҳамма 21 ташкилоти Америка Қўшма Штатларининг Қуриядаги ҳарбий интервенциясини қоралаб яқинда комитет томонидан чиқарилган баёнотни ма'қуллади. Бу баёнотга қўшилмаганликлари учун Генри Уоллес ва Иэль университетининг ҳуқуқ профессори Эмерсон партиядан чиқдилар.

ГАМБУРГ ИШЧИЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ КЕМАЛАРДАН ТУШИРИШДАН БОШ ТОРТДИЛАР

БЕРЛИН, 9 август. (ТАСС). «Национаь цейтунг» газетаси хабар беради: Гамбургнинг порт ишчилари ўқдори ортиб портга келган иккита инглиз кемасини бўшатишдан бош тортдилар. Ма'мурият жазо чоралари кўрган ва 26 кишини ишдан бўшатган бўлса ҳам, порт ишчилари ўз қарорларини ўзгартмадилар. Гамбург аҳолиси ишдан бўшатилган ишчиларга ёрдам тўплашга киришди.

ЎЗБЕКИСТОН СПАРТАКИАДАСИДА



Суратда (чапдан ўнгга): Спартакиада қатнашчиси 1-нчи разрядли гимнастикачи **Королев** гимнастика қилмоқда. Урганч районидаги Куйбишев номли колхозининг бригада бошлиғи ўртоқ Абдураҳимов диска ва ядро иргитишда колхозчи физкультурачилар орасида биринчи ўринларни олди. Суратда: ўртоқ **Абдураҳимов** ядро иргитмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

☆

9 августда пойтахтдаги барча спорт базаларида республика VI спартакиадаси қатнашчиларининг мусобақалари давом этди.

Округ офицерлар уйи спорт майдонига жуда кўп тамошабин тўпланди. Бу ерда мастерлар ва биринчи разрядлаги гимнастикачиларнинг мусобақалари бўлди. Республикамизнинг энг яхши гимнастикачилари Р. Большакова, К. Жўраев, Г. Индлер, Г. Ермоленко ва бошқалар ижро этган гимнастикалар ҳамманинг э'тиборини ўзига жалб этди. Булар барча гимнастика ҳаракатларини жуда яхши бажардилар. Мастерлар орасида биринчи ўринни тошкентли Р. Большакова олди. У 110 ютуққа эга бўлди. Унга республика чемпиони номи берилди. Тошкентли Чижевская 100,15 ютуққа эга бўлиб, мастерлар учун белгиланган нормани бажарди. Учинчи ўринни тошкентли З. Белянина олди. Биринчи разрядлаги гимнастикачилар ўртасида биринчи ўринни олган К. Жўраева республика чемпиони номи берилди. Тошкентли П. Осадченко ва Б. Криволаповлар икки ва учинчи ўринларни олдилар. 1-нчи разрядлаги хотин-қиз гимнастикачилар орасида тошкентли Г. Ермоленко биринчи ўринни ва Н. Конюхова иккинчи ўринни, Л. Пушнаренко учинчи ўринни ишғол қилдилар.

Спорт гимнастикаси мусобақалари тугади. Биринчи ўринни Тошкент шаҳрининг спортчилари, иккинчи ўринни Самарқанд ва учинчи ўринни Фарғона область спортчилари олдилар.

Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида бошланган классик курашлар тугади. Республиканинг 1950 йилги чемпиони номини турли вазндаги полвонлар орасида тошкентли Н. Филиппов, П. Марков, В. Шилов, Ю. Зеленин, Г. Гамарник, А. Петровский, У. Сандҳожаев, Е. Фельдман ўртоқлар олдилар. Тошкент шаҳар полвонлари команда биринчилигини ҳам олдилар.

«Спартак» стадионида бўлиб ўтган енгил атлетика мусобақаларида яхши натижаларга эришилди. 3 минг метрга ўтказилган югуриш мусобақаси анча қизғин ўтди. Бу масофага югурган спортчилар тўрт жойда турли тўсиқлардан ва бир жойда сувдан ўтдилар. Маррага тошкентли Турсун Исмоилов биринчи бўлиб келди. У бу масофани 9 минут 59,2 секундда босиб ўтди. Иккинчи ўринни Г. Безруков ва учинчи ўринни бухороли К. Холназаров олдилар. Тошкентли В. Любаров спортнинг бирнеча турлари юзасидан ўтказилган мусобақада 4971 ютуққа эга бўлиб, биринчи ўринни олди. Бухороли Н. Зорин иккинчи ўринни ва самарқандли О. Чувилин учинчи ўринни эгалладилар. Хотин-қиз спортчиларнинг беш спорт тури юзасидан ўтказилган мусобақасида ёш, талантли спортчи А. Минина биринчи ўринни олди. У 2571 ютуққа эга. Бухороли Л. Склярова иккинчи ўринни, самарқандли Т. Бондаренко учинчи ўринни олдилар.

10 километрга пиёда юриш мусобақасида тошкентли Н. Юдин ҳаммадан олдин маррага етиб келди. Юдин бу масофани 52 минут 36,2 секундда босиб ўтди. Маррага иккинчи бўлиб келган тошкентли Г. Зинченко бу масофани 53 минут 07 секундда ва учинчи ўринни олган бухороли Ф. Чеботарев 57 минут 15,2 секундда босиб ўтди. Молот иргитишда тошкентли К. Савельев биринчи ўринни олди. У молотни 39 метр 87 сантиметрга иргитди.

Эркаклар командалари ўртасида 800х400х200х ва 100 метр масофага ўтказилган эстафета тугади. Бу мусобақада Тошкент шаҳрининг эркаклар ва хотин-қизлар командалари ғолиб чиқдилар. Енгил атлетика мусобақалари пойтахт спортчиларининг ғалабаси билан тугади. Улар 40 минг 666 ютуққа эга бўлиб, биринчиликни олдилар. Иккинчи ўринни Самарқанд ва учинчи ўринни Бухоро область командалари эгалладилар.

Штанга кўтариш мусобақалари тугади. Тошкентли спорт мастери Д. Наумов ва Паршин ўртоқлар республикасининг 1950 йилги чемпиони номини олдилар. Наумов 115 килограмм 600 грамм тош кўтариб, республика янги рекорд қўйди. Тошкентли Паршин ҳам республика рекорд қўйди. У ўнг қўли билан 70 килограмм тош кўтарди. Бу мусобақада Тошкент шаҳрининг штангачилари команда биринчилигини олдилар. Иккинчи ўринни Самарқанд, учинчи ўринни Тошкент область командалари олдилар.

10 августда Қўйлиқ тош йўлида велосипед пойгаси бўлди. Хотин-қиз велосипедчиларнинг 10 километрга ўтказилган мусобақасида А. Клеценко маррага биринчи бўлиб келди. У бутун масофани 28 минут 9 секундда босиб ўтди. Самарқандли А. Петрова иккинчи ўринни ва тошкентли Л. Калагова учинчи ўринни олди.

Эркаклар орасида 30 километрга ўтказилган мусобақада тошкентли В. Лазаренко трассадаги барча қийинчиликларни дадиллик билан енгиб, маррага 1 соат 18 минут 34 секундда етиб келди. Тошкентли Н. Ерегин иккинчи ўринни ва Е. Хатунцев учинчи ўринни олдилар. Колхозчи физкультурачиларнинг бу масофага ўтказилган пойгаси анча қизғин тус олди. Хоразмли колхозчи А. Абдуллаев маррага биринчи бўлиб келди. Абдуллаев бутун масофани 1 соат 20 минут 20 секундда босиб ўтди. Иккинчи ўринни самарқандли Б. Оймагов олди. Хоразмли Р. Ваганцева мусобақада биринчи қатнашганига қарамай, 10 километр масофани 1 соат 3 минут 26 секундда босиб ўтди. Тошкент шаҳрининг велосипедчилари бу мусобақада комақда биринчиликни олдилар.

Кеча спартакиаданинг ёпилишига бағишланган тантана бўлди.

Маъ'сул муҳаррир ўринбосари
Б. РАҲМОНОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 11 августда **Алломиш.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — Р. **Камол номидаги Татар давлат академик драма театрининг гастроллари** — 11 августда **Чин муҳаббат**, 12 августда **Шумли кунлар**, 13 августда **Шамсиқамар.** Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади. Касса соат 2 дан очилади.

«РОДИНА» — кундуз **Хўжа Насриддин**, кечқурун **Лўлилар баронн.**

«ВАТАН» — **Хўжа Насриддин.**

«9-НЧИ МАЙ»—**Кубань казаклари.**

«ИСКРА» (қишки) — 2-нчи залда **Икки жангчи**, бошқа залларда **Машенька.**

«ИСКРА» (ёзги) — **Сўнгги раунд.**

«ЭШ ГВАРДИЯ» — кундуз рангдор фильм **Ўрмон қиссаси**, кечқурун **Бизнинг юрагимиз.**

«ХЕВА» — **Осмон секинюрари.**

«ШАРҚ» — **Алитет тоққа чиқиб кетади.**

«УДАРНИК» — **Тайгали йигит.**

ОТА-ОНАЛАР ВА УҚУВЧИЛАР!
Янги 1950/51 ўқув йилига
дарсликлар ва мактаб-ёзув асбоблари сотиб олингиз
Дарсликлар ва мактаб-ёзув асбоблари Ўзбекистон ССРнинг ҳамма мактабларида сотилмоқда.
«Ўзбеккнигторг»нинг республика конторасн.

Свердлов номли концерт залида 12 ва 13 августда
Қирғизистон ССР давлат халқ хорининг ГАСТРОЛЬЛАРИ
(50 кишидан иборат)
Қатнашадилар: Қирғизистон ССР халқ артисти **Сайра Книзбоева**, республикада хизмат кўрсатган артист **Мисқал Умурқанова**, демократик ёшларнинг Прагадаги Халқаро фестивали қатнашчиси **Назира Тойгомбоева** (лирик-колоратур сопрано), Ленин орденли Қирғизистон опера ва балет театрининг солистлари **Эркин Мигенилова, И. А. Кабеков.**
Программани **Темирбеков** олиб боради.
Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда (ҳар куни кундуз соат 2 дан). Коллектив заявкалар қабул қилинади.

Академик Р. Р. Шредер номидаги МЕВАЧИЛИК ИНСТИТУТИ
мева териш ишига
МАВСУМЛИ ИШЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Ишчиларга ишбай билан ҳақ тўланади. Етоқ билан та'мин қилинади. 30-970-нчи телефон орқали мурожаат қилинсин. Институтнинг адреси: Оржоникидзе район, Куйбишев қишлоқ совети (2-нчи трамвайнинг «Шивли бозор» остановкаси, автобус ҳам боради).

Сталин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутуи Иттифоқ давлат Тошкент тўқимачилик комбинатининг
ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА МАКТАБИ
1950/51 ўқув йилига
УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
Профессионал-техника мактаби тўқимачилик саноати учун юқори малакали мастер ёрдамчилари тайёрлайди.
Ўқиш муддати 3 йил.
ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ:
Профессионал-техника мактабига камида 7 синф ҳажмида ма'лумотли, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.
Бу мактабга киручиларнинг ҳаммаси қуйидаги фанлардан: 1) СССР Конституциясидан, 2) рус тилидан оғзаки ва ёзма, 3) математикадан оғзаки ва ёзма, 4) ўзбек тилидан оғзаки ва ёзма имтиҳон берадилар.
Ўқишга киручилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб беришлари лозим: 1) метриканинг асл нусхаси, паспорт ёки прописка гувоҳномаси, 2) тураржойидан справка, 3) таржимаи ҳол, 4) 3х4 сантиметр катталигида тўртта фотокарточка, 5) соғлиғи ҳақида справка.
Ўқиш бепул. Қабул қилинганлар кунига 3 марта овқат, кийим (иш кийими, юриш учун кийим, оёқ кийими ва ҳоказолар) билан та'мин қилинадилар. Бошқа жойлардан келганлар ётоқ ва кўрпаёстиқ билан та'минланади.
Аризалар 1950 йил 25 августгача (ҳар куни соат 9 дан 16 гача) қабул қилинади.
Мактабнинг адреси: Тошкент шаҳар, Киров район, Лабзак кўчаси, 16-нчи уй (2-нчи трамвайнинг «Победа» кинотеатри ёнидаги остановкаси). Телефон—34-673.

К. Е. Ворошилов номидаги «ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА
металларни қиздирмасдан ва қиздириб ишлашга доир технолог, механик, конструктор, электрик ва сварка ишига доир **инженерлар** ва **техниклар, токарьлар, слесарьлар, фрезерчилар, шлифовщиклар, қолипчилар, электросварщиклар, газосварщиклар, электромонтёрлар, темирчилар, қозончилар, дурадгорлар, шоферлар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, уборщицалар**
КЕРАК
Юқорида кўрсатилган касбларга
ШОГИРДЛАР ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Шогирдлар тегишли касбларни ўрганиш учун малакали ишчиларга бириктириладилар. Ўқиш муддати 2 ойдан 3 ойгача бўлиб, ойига 300 сўм миқдорида стипендия тўланади.
Тошкент шаҳар, Сельмаш кўчаси, 2-нчи уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ
МАЖБУРИЙ ФАРМОЙИШИ
1950 йил 2 август № 9 Тошкент шаҳри
ҚАРАМОҚЛАРИДА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРИ БЎЛГАН ОТА-ОНАЛАР, АЙРИМ КИШИЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ БУ БОЛАЛАР ЕТТИ ЙИЛЛИК ВА ЎН ЙИЛЛИК МА'ЛУМОТ ОЛГУНЧА МАКТАБДА ЎҚИШЛАРИ УЧУН МАС'УЛ БЎЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1950 йил 16 мартда «Мактабларни 1950/1951 ўқув йилига тайёрлаш тўғрисида» деб чиқарган 387 сон қарорини бажариш юзасидан, Тошкент шаҳрида туручи мактаб ёшидаги ҳамма болаларни ўқишга жалб қилиш мақсадида, Тошкент шаҳар Советининг Ижроия комитети **қарор қилади:**
1. Уй бошқармалари, маҳалла комитетлари 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг Тошкент шаҳар мактабларида ўқишга тўла жалб қилинишларига кундалик контролни амалга ошириб, ўзларига қарашли доираларда туручи болаларнинг 1950 йил 1 сентябрьдан бошлаб мактабга қатнашларини та'миналмоқлари лозим.
2. Қарамоқларида мактаб ёшидаги болалари бўлган ота-оналар, айрим кишилар ва муассасаларга бу болаларни 1950 йил 15 августдан кечикмай турар-жойларидаги мактабларда ўқишга жойлаштириш, 1-нчи синфларга янгидан киручи ва Тошкентда туриш учун бошқа жойлардан келучи болаларни дарҳол мактабларга юбориш мажбурияти юклансин.
3. Қарамоқларида мактаб ёшидаги болалари бўлган ота-оналар, айрим кишилар ва муассасаларнинг раҳбарлари болаларнинг мактабга қатнашларига тўсиқлик қилган ёки мактабга жойлаштиришдан бош тортган тақдирда, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 270-нчи моддаси билан жавобгарликка тортилсинлар.
4. Ушбу мажбурий фармойишнинг бажарилишини кузатиш шаҳар ва район маориф бўлимлари ҳамда милиция органларига юклансин.
5. Бу мажбурий фармойиш э'лон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради.
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси
С. ҲУСАИНОВ.
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари
А. АБДУЛЛАЕВА.

Буюртмачилар материалидан ҳархил
ТАХТА ИДИШЛАР, ПАНЖАРАЛАР, БОЧКАЛАР
ва картондан ҳархил буюмлар
ИШЛАБ БЕРИЛАДИ
38-146 ва 30-966-нчи телефонлар орқали мурожаат қилинсин.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими—32847. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 04674. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1132.